

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулузбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир

Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб

Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz

Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 22 февралда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –3.
Нашр адади 4690 нусха.

Навбатчи муҳаррир

Муталиф СОДИҚОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909.

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ифтихор кўчаси, 117-уй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....3

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

И. Муслимов. Адолат устувор мамлакат равнақ топади.....6

МУНОСАБАТ

А. Отахонов. Илм-фанга эътибор – учинчи ренессанс пойдеворининг мустаҳкам замини.....9

ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

О. Қулбеков. Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш.....14

Д. Усмонов. Шартли ҳукми қўллаш асосларининг жиной-ҳуқуқий таҳлили.....18

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ф. Исаева. Давлат хизмати соҳасидаги ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатлари.....21

МУЛК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

С. Солиев, Ш. Назаров. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш.....26

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАН

С. Тоганов. Судларда транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришнинг айрим масалалари.....30

И. Юлдашев. Кредит билан боғлиқ найранглар.....32

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Ш. Култураев. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари.....34

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Акмал Саидов. Алишер Навоий – ҳуқуқшунос.....38

СУД ОЧЕРКИ

А. Шайдоев, Н. Раҳмонова. Сохта «табиб»нинг найранглари.....42

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН

А. Раимов, Н. Раимова. Қадимги Рим тарихи тўғрисида қисқача маълумотлар.....44

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотеКА ЮРИСТА.....79



*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 15 январь

1-сонли

Тошкент шаҳри

Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан, шунингдек судлар томонидан процессуал қонун нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига (бундан буён матнда ФПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

2021 йилнинг 13 январидан суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят бериш институти тугатилди, суд қарорлари устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят беришнинг амалдаги тартиби тубдан ўзгартирилди, апелляция ва кассация

инстанцияси судлари ваколатлари кенгайтирилди, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколоти маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

2. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 1, 3-моддалари, ФПК 1, 7-моддалари, ИПК 1, 6-моддалари, МСИЮтК 1, 8-моддалари, МЖтК 1, 9-моддалари мазмунига кўра, суд муҳокамаси, шу жумладан, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ҳам, суд ишларини юритиш суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Шу муносабат билан 2021 йил 13 январдан бошлаб:

маъмурий судлар иш юритишига қабул қилинган, бироқ мазмунан кўриб чиқилмаган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар судловга тегишлилиги бўйича жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига ўтказилиши лозим;

суд муҳокамаси бошланган (иш юритишга қабул қилинган) кассация шикоятлари (протестлари) вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан мазмунан кўриб тугалланиши шарт;

суд муҳокамаси бошланмаган (иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳал этилмаган) кассация шикоятлари (протестлари), агар уларни қайтариш ёки иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, ўтиб кетган апелляция

ция шикоятни (протести) бериш муддатини тиклаган ҳолда апелляция тартибида кўриб чиқилиши лозим;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш институти муқаддам мавжуд бўлмагани ва фақат 2021 йилнинг 13 январидан жорий этилганини инобатга олиб, ушбу ишлар бўйича кассация шикоятлари (протестлари) апелляция шикоятини (протестини) бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаган ҳолда апелляция тартибида кўриб чиқилиши лозим;

апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан 2021 йил 13 январга қадар чиқарилган қарорлар устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин. Апелляция ёки кассация инстанцияси суди қарори бекор қилинган тақдирда, иш янгидан кўриб чиқиш учун апелляция инстанцияси судига юборилади. Ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқишда шуни эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра, агар қилмишнинг жиноийлиги ёки жазога лойиқлиги ҳукм қонуний кучга киргунга қадар янги жиноят қонуни билан бартараф этилган бўлса, жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-банди билан тугатилади;

суд муҳокамаси бошланмаган (иш юриштишга қабул қилиш масаласи ҳал этилмаган) назорат шикоятлари (протестлари), агар уларни қайтариш ёки иш юриштишга қабул қилишни рад этиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг ўрганишида бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар (аризалар), ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриб чиқиш учун протест келтириш тўғрисидаги ариза сифатида кўриб чиқилиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

судьясининг назорат шикоятини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримининг мавжудлиги белгиланган муддатлар доирасида кассация шикоятни (протести) билан мурожаат қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

3. Процессуал қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар суд ҳужжатлари устидан берилган ва ушбу судлар томонидан суд муҳокамаси бошланган (иш юриштишга қабул қилинган) апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) мазкур босқич судлари тегишли судлов ҳайъатлари томонидан мазмунан кўриб тугалланиши шарт.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар суд ҳужжатлари устидан берилган бўлиб, улар бўйича суд муҳокамаси бошланмаган (иш юриштишга қабул қилиш масаласи ҳал этилмаган) апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) апелляция шикоятини (протести) билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган, апелляция шикоятини (протести) бериш муддатлари ўтиб кетган ҳолда эса, апелляция шикоятига (протестига) шикоят (протест) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномани илова қилиш зарурати тушунтирилган ҳолда аризаларга қайтарилиши лозим.

4. Судларга тушунтирилсинки, апелляция ёки кассация шикоятини (протести) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар муддатни ўтказиб юборишда узрли сабаб бўладиган ҳолат сифатида тан олинishi мумкин.

Фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишлар, шунингдек маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ўтказиб юборилган апелляция ёки кассация шикоятини (протести) бериш муддатини тиклаш масаласини муҳокама этиш чоғида, судлар ФПК, МСИЮтК, ИПК ва МЖтКда белгиланган суд қарорлари устидан шикоят (протест) бериш муддатларидан келиб чиқишлари лозим.

5. ФПК 438 ва 445-моддалари, ИПК 326 ва 333-моддалари, МСИЮтК 268 ва

375-моддаларига кўра, суд ҳужжатини ўзгартирган ёки бекор қилган апелляция ёки кассация инстанциясининг қарорлари ва ажримларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш, суд ҳужжатини ўзгартирган ёхуд янги суд ҳужжати қабул қилган инстанция томонидан амалга оширилади.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи томонидан иш процессуал қонунда белгиланган умумий тартибда кўриб чиқилади.

Шу муносабат билан 2021 йил 13 январга қадар қабул қилинган кассация инстанцияси судининг қарорлари ва ажримларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш, суд ҳужжатини ўзгартирган ёки янги қарор қабул қилган тегишли вилоят ва унга тенглаштирилган суд томонидан кўриб чиқилади. Кассация инстанцияси суди ҳужжати бекор қилинган ҳолда, иш шу суд томонидан апелляция тартибда кўриб чиқилади.

Суд ҳужжати ўзгартирилган ёхуд бекор қилинган назорат инстанцияси судининг 2021 йил 13 январга қадар қабул қилинган қарорлари ва ажримларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳам худди шу тартибда амалга оширилади. Назорат инстанцияси суди ҳужжати бекор қилинган тақдирда, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъати томонидан кассация тартибда кўриб чиқилади.

6. ИПК 25-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, бундай ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари

юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, инвестициявий низоларга оид ишларни кўриб чиқиш иқтисодий судлар ваколатига ўтказилган.

Шу билан бирга, умумий қоидага кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил 13 январга қадар суд муҳокамаси бошланган (иш юритишга қабул қилинган) бундай тоифага доир ишлар мазкур судлар томонидан мазмунан кўриб тугалланиши лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга 2021 йил 13 январга қадар берилган (алоқа бўлинмаларига топширилган), бироқ, суд муҳокамаси бошланмаган (иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳал этилмаган) бундай тоифадаги ишлар бўйича даъво аризалари судловга тегишлилиги бўйича иқтисодий судга ўтказилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар 2021 йилнинг охирига қадар ҳар ойда апелляция ва кассация амалиётини умумлаштириб боришлари ва натижалари бўйича янги процессуал қонун нормаларига сўзсиз риоя этиш юзасидан чоралар кўришлари лозим.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

И. АЛИМОВ,
Пленум котиби,
Олий суд судьяси



**Халилилло
Собиржонович
ТУРАХУЖАЕВ**

ОЛИЙ СУД РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2021 йил 5 февралдаги Қарори билан Халилилло Собиржонович **Турахужаев** лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимига сайланди.



АДОЛАТ УСТУВОР МАМЛАКАТ РАВНАҚ ТОПАДИ

Адолат бу – давлатчиликнинг мустақкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартда қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили»да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5953-сонли Фармонида суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишнинг қонунийлиги, асослигини ва адолатлигини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, фуқароларнинг одил судловдан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш зарурлиги белгиланган эди.

Республикада суд тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилади. Инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига тегишли ўзгартиш киритилди. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Конституциявий суд, Олий суд, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, ту-

манлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборат бўлиши белгиланди.

«Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга биноан ушбу Кодексга суд тизимининг қайта иқтисослашуви, суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилишига оид ва бошқа бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Вилоят даражасидаги судлар жиноят ишлари бўйича судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар ягона умумюрисдикция судларига бирлаштирилди.

«Бир суд – бир инстанция» тамойилидан келиб чиқиб, ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти тугатилди. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Бир суд – бир инстанция» тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ҳамда барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Апелляция тартибидаги шикоят (протест)ларни бериш муддати 10 кундан 20 кунга узайтирилди.

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари, ажримлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкинлиги белгиланди. Яъни, эндиликда иш кассация тартибида кўрилишидан олдин апелляция тартибида кўрилган бўлиши лозим.

Жиноят ишида янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни тиклаш институти такомиллаштирилиб, янги очилган ҳолатларнинг турлари аниқ белгилаб берилди. Янги очил-

ган ҳолатлар бўйича иш юритишни тиклаш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқи тарафларга ҳам берилди. Бу уларнинг тенглиги принципини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида дастлабки эшитув институтини киритиш назарда тутилган.

Қонун талабларига мос равишда расмийлаштирилган шикоятни Олий суд судьяси томонидан судлов ҳайъатига киритишни рад этиш ваколати бекор қилинди. Энди процессуал кодексларда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда берилган барча шикоятлар Олий судда кассация инстанциясида кўриб чиқилади.

Судлар томонидан чиқарилган суд қарорларини қайта кўришнинг аввалги тизими қуйидаги икки турдан иборат эди: суднинг қонуний кучга кирмаган қарорларини текширишни амалга оширувчи апелляция инстанцияси ва суднинг қонуний кучга кирган қарорларини қайта кўришни амалга оширувчи кассация ва назорат инстанциялари.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тизимининг таҳлили шуни кўрсатдики, назорат тартибида иш юритиш ўз вазифалари ва ваколатларига кўра кассация тартибида иш юритишга ўхшашдир. Чунки, кассация тартибида текшириш ҳам, назорат тартибидаги текшириш ҳам қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини текширишга қаратилгандир.

Бундан ташқари, назорат инстанциясининг ваколатлари фақат Олий судга тааллуқли бўлиб, бу инстанция суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текширишнинг икки даражасидан: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Раёсатидан иборат эди.

Шуни таъкидлаш керакки, амалда бўлган назорат инстанцияси тизими халқаро стандартлар талабларига мос келмасди. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 14-моддасининг 5-бандига кўра, бирор бир жиноят учун ҳукм қилинган шахс ўзининг ҳукм қилиниши ва ўзига нисбатан чиқарилган ҳукм юқори суд инстанцияси томонидан қонунга биноан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир. Бироқ, суд ҳужжатларини назорат тартибида бир неча марта қайта кўриш имконияти мавжудлиги суд қарорларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқлиги принци-

пини бузади. Оқибатда, манфаатдор шахслар суд ишидаги мавҳумлик ҳолатидан азият чекиши мумкин.

Хусусан, 2017 йилда Олий суд томонидан 22 846 та иш назорат тартибида кўриб чиқилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 29 318 тани, 2019 йилда эса 35 122 тани ташкил этган. Демак, бу кўрсаткич кўпайиб борган.

Бундай ҳолатлар фуқароларда судларга нисбатан ишончсизлик юзага келишига сабаб бўлади.

Шунинг учун биринчидан, назорат инстанцияси институти бекор қилиниб, кассация инстанциясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди; иккинчидан, апелляция инстанцияси институти ваколатлари вилоят судларига ва тенглаштирилган судларга ўтказилиб, тубдан ислоҳ қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти янада такомиллаштириш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

– Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 416, 417-моддаларига суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишларини бартараф этиш мақсадида, шунингдек жиноий жавобгарликка жалб этилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда суднинг ҳаракатларига тааллуқли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;

– ЖПК 55-бобининг мазмуни тегишинча «Биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан апелляция тартибида шикоят қилиш» деб номланган 55¹-бобга, «Апелляция инстанцияси судида иш юритиш» деб номланган 55²-бобга ва «Суднинг ҳукми ва ажрими устидан кассация тартибида шикоят бериш» деб номланган 56-бобга ўтказилганлиги муносабати билан у чиқариб ташланди;

– ЖПК 55¹-бобининг 497¹–497¹²-моддаларига биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш тартиби, муддатларини, апелляция шикоятига (протестга), уни тўлдириш ва қайтариб олишга қўйиладиган талабларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;

– ЖПК апелляция инстанцияси иш юритишни тартибга солувчи янги 55²-боб билан

тўлдирилди, яъни ушбу боб 497¹³ – 497³⁷-моддалар билан тўлдирилиб, уларда: суд мажлиси муддатларига, тарафларнинг иштирок этишига, ишни апелляция инстанцияси судида кўриш тартибига, суд ҳукмини, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларига, апелляция инстанцияси суди ҳуқуқларининг чегарасига оид аниқ нормалар киритилган. Апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинадиган ҳукми бекор қилиш ва жиноят ишнни тугатиш ҳақидаги; айблов ҳукмини бекор қилиш тўғрисидаги ва ишни прокурорга қайтариш ҳақидаги; биринчи инстанция судининг ҳукмини, ажримини янги суд қарорини чиқарган ҳолда бекор қилиш тўғрисидаги; апелляция тартибида иш юритишни тугатиш ҳақидаги қарорларини қабул қилиш тартиби ва асослари батафсил баён этилган. Бундан ташқари, биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган хусусий шикоятни (протестни) кўриб чиқиш тартиби белгиланган;

– суднинг ҳукми ва ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришни тартибга солиш учун ЖПКнинг 56-бобига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, ЖПКнинг 498–504-моддалари суднинг қарорларига тааллуқли аниқлаштиришлар билан тўлдирилди, ушбу қарорлар қайта кўрилиши мумкин, ҳукмлар ва ажримларни қайта кўриш асослари, жиноят процесси иштирокчиларининг суд ҳукми, ажрими устидан шикоят бериш ҳуқуқлари, шикоят (протест) бериш тартиби ва муддатлари, шунингдек кассация шикоятининг (протестнинг) мазмунига тааллуқли талаблар аниқлаштирилди;

– ЖПКнинг 56¹-бобига кассация инстанцияси судида иш юритиш қоидаларини белгиловчи қўшимчалар киритилиб, 505–509¹⁴-моддаларида шикоятлар (протестлар) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилишини инобатга олган ҳолда кассация инстанцияси судида иш юритиш тартибга солинган. Кассация инстанцияси судининг ваколатлари муддатлари, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қабул қилинадиган процессуал ҳужжатларнинг шаклига, мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланган. Бундан ташқари, ишларни кассация инстанцияси судида қайта кўриш

ҳоллари, тартиби белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, назорат тартибида иш юритиш институти тугатилганлиги муносабати билан ЖПКнинг 57-боби чиқариб ташланди.

Аввал мавжуд бўлган Олий суд судьясининг назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқариш ваколати бекор қилинди, яъни ЖПКда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган шикоят (протест) кассация инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилиниб, судлов ҳайъатида кўриб чиқилиши белгиланди.

ЖПКнинг 57¹-бобига янги очилган ҳолатлар туфайли жиноят иши бўйича иш юритишни қайтадан бошлашнинг аниқ қоидаларини белгиловчи қўшимчалар киритилди. Суд қарорларини қайта кўриш тартиби билан бевосита боғлиқ бўлган мазкур институтни такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 522–528-моддаларига қатор янгилликлар киритилган, уларга кўра: ушбу ҳуқуқни илгари назарда тутилганидек нафақат прокурор, балки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам амалга ошириши мумкин; янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги илтимосни ёки хабарни кўриб чиқиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилди.

ЖПКнинг 528, 530, 531-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларга биноан суд қарорларининг қонуний кучга кириши ва ижро этилиши тартиби аниқлаштирилди.

Кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини берадиган тарзда суд қарорларини қайта кўриш тартибини такомиллаштиришга, уларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, шунингдек халқаро стандартлар нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилишга имкон яратади.

И. МУСЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси ўринбосари

ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Дунё миқёсида рақобат тобора кескин тус олиб бораётган бугунги мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш, уларнинг ҳаёт билан ҳамоҳанг равишда ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, инсоният ривожланиш тарихининг асосини илм-фан ташкил этади. Илмсиз тараққиётни ва ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди.

Заминимиз илм-фанининг ривожини узок ва бой тарихига эга эканлиги билан бутун дунёни ҳайратга солиб келган. Қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиздан минглаб олимлар ва буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг қолдирган бебаҳо илмий мерослари бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг Бош қомуси – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган қоидалар асосида илм-фан соҳасини ривожлантириш мақсадида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига оид тадқиқотларни олиб боришда ва уларни оммалаштиришда ҳолис ва адолатли ёндашувлар жорий этилди; 2004, 2009 ва 2012 йилларда Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қарорлар қабул қилинди; таълим тизимини ривожлантиришга барча имконият ва куч сарфланди.

Мустақиллик даврида бошқа соҳалар сингари юридик соҳада илм-фанни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, юридик кадрлар тайёрлаш, давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳаларида илмий тадқиқотларнинг ҳамда илмий-амалий ишланмаларнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини яратиш мақсадида Тошкент давлат юридик институти ташкил этилди, ўтган йиллар давомида юридик соҳада салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилди, юридик фаннинг ижтимоий ҳаёт билан ўзаро мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи илмий муҳит шакллантирилди.

Тан олиб айтиш керакки, янги Ўзбекистонда илм-фан соҳасининг тараққиёти бутун дунёга юз тутди. Мустақилликнинг ўтган 25 йили давомида эришилган ютуқларнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан кенг кўламли, илм аҳлининг қувонишига сабаб бўладиган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан, Ўзбекистон илм-фанига янги ҳаёт бахш этилди, унга янги ва замонавий дунёқараш асосида ёндашила бошланди, илмий фаолиятнинг янги тарихий даври бошланиши учун замин ҳозирланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4907-сонли Фармони қабул қилинди. Фармон билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини фан-таълим ва ишлаб чиқариш жара-

ёнларига фаол жалб этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришда, шунингдек юқори малакали кадрлар тайёрлашда уларнинг ролини кучайтириш борасида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз илм-фан ахли, шу жумладан, академикларимизнинг фаол ҳаётини узайтириб берди десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Иккинчидан, ўтган йиллар мобайнида ҳаётини аҳамияти эътибордан четда қолган илм-фан ва илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига беvosита интеграция қилиш мақсадида янги механизмлар жорий этилди, илм-фан кашфиётлари ва янги ишланмаларнинг қиймати ошишига эришилди.

Мазкур ислохот натижасида ҳақиқатда халқнинг оғирини енгил қилишга ва ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ўзбек халқининг тарихий илмий қиёфаси дунё узра қайтадан кенг кулоч ёза бошлади.

Учинчидан, илм-фан соҳасининг ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланди. Хусусан, 2017–2020 йиллар мобайнида соҳани ривожлантиришга қаратилган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, 3 та қонун, 50 дан ортиқ Президент фармон ва қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги,

2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари шулар жумласидандир.

Тўртинчидан, илм-фан ва таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илм-фан вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Фанлар академияси ва унинг институтларига янгидан ҳаёт бахш этиш натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етказилди. Академияга сайловлар қайта тикланди. Фанлар академияси тизимида Давлат ва ҳуқуқ институтининг фаолияти йўлга қўйилди. Илмий ишланмалар ва тадқиқот натижаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолият олиб бормоқда.

Президентимиз эътироф этганларидек, илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қиладиган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб.

Ўтган тўрт йилда илм-фан соҳасини молиялаштириш 4 карра кўпайди. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақлари 3 баробарга оширилди. Фан доктори ва номзодлари учун алоҳида устама ҳақлар белгиланди.

2019 йилдан Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар тўғридан-тўғри давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилди.

Дарҳақиқат, илм-фан соҳасини ривожлантиришдан бутун дунё бирдек манфаатдордир. Шу сабабли ҳам, илм-фан соҳасини ривожлантириш Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-устувор мақсади Таълим сифатини оширишга бағишланган ҳамда унинг доирасида илм-фанни ривожланти-

ришга доир вазифалар белгиланган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар»ида умумқамровли ва сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантиришга ҳамда инновацион фаолият учун қулай шарт-шароит яратиш, илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик соҳасидаги ходимлар сонини жиддий равишда кўпайтириш орқали жонлантиришга доир алоҳида устувор вазифалар белгиланган.

Сўнги йилларда миллий мақсад ва вазифаларда белгиланганидек, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва таълим сифатини ошириш борасида қатор ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан кимё, биология ва математика соҳаларида илмий-тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг аниқ мақсадлари тасдиқланди.

Шунингдек, ушбу йўналишда яна кўплаб эзгу ишларга қўл урилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти ташкил этилди; Сейсмология, биололар ва иншоотларни сейсмик чидамли қилиб қуриш соҳасидаги илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди; ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар ва илмий ишларни самарали амалга ошириш мақсадида янги таълим ва тадқиқот муассасалари ташкил этилди ва келгусида ҳам ташкил этилиши

бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фан ва илмий фаолият соҳаси алоҳида қонун билан ҳуқуқий тартибга солинмоқда.

Илм-фан соҳасини, хусусан, илмий фаолиятни амалга ошириш, тадқиқот натижаларидан фойдаланиш, янги ишланма ва ғояларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 2019 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Айтиш жоизки, ушбу Қонун билан илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга эришилди, шунингдек унда илм-фан соҳасининг асосий принциплари ва йўналишлари, соҳани тартибга солувчи давлат органларининг ваколатлари, илмий фаолият субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш ҳамда илмий фаолият соҳасини молиялаштириш йўналишлари каби муҳим масалаларга доир нормалар белгиланди.

Ўз навбатида, ислохотларнинг шиддати ва тезкорлиги қонунлардаги нормаларни янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонунида, *биринчидан*, илм-фан соҳасида муҳим аҳамият касб этувчи асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Яъни, Қонунда илмий изланиш, илмий-тадқиқот, синов ишланмалари, давлат илмий-тадқиқот сиёсати, илмий ва илмий-техник натижаларнинг тижоратлашуви, илм, илмий ва илмий-техник фаолият субъектлари, илмий-тадқиқот институти, давлат илмий-техник экспертизаси, аккредитация, диссертация кенгаши, илмий интеллектуал мулк, технополис, ижодий эркинлик, илмий маданият каби тушунчаларнинг аниқ таърифларини белгилаш таклиф этилади.

Иккинчидан, Қонундаги аксарият ҳавола-

ки нормаларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар сифатида қайтадан ифодалаш зарур. Хусусан, Қонундаги илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш (31-модда) ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш (36-модда)га доир қоидаларнинг ижро механизмини аниқ белгилаш лозим.

Шу сабабли, Қонундаги шу ва бошқа моддалардаги ҳаволаки нормаларни Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган талаблар асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатларда илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш масаласи устуворлик касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, Германия Конституциясида илмий фаолият ҳуқуқи ва эркинлиги инсоннинг шахсий ҳуқуқи эканлигига, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга доир қоидалар белгиланган, Испания Конституциясининг 20-моддасида шахсий ҳуқуқлар қаторида илмий ва техникавий асарларни ишлаб чиқариш ва яратиш қайд этилган, давлат илмий-техникавий тадқиқотларни ривожлантиришни кафолатлаши белгиланган.

Хорватиянинг «Илм-фан ва олий таълим тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида илмий-тадқиқот муассасаларининг ўз илмий тадқиқотларига олий таълим муассасаларини жалб этиши мажбурий эканлиги, Беларусь Республикасининг «Илмий фаолият тўғрисида»ги Қонунида илмий-тадқиқот натижаларини мажбурий синовдан ўтказиш институти белгилангани, Украина Республикасининг «Илмий ва илмий-техникавий фаолият тўғрисида»ги Қонунида жамоат илмий ташкилотлари, ёш олимлар кенгашлари ҳамда улар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фондлари каби институтлар фаолияти назарда тутилгани, Жанубий Кореянинг «Илм-фан ва технологиялар тўғрисида»ги Қонунида ҳукумат томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштираётган тадбиркорлик субъектларига ишчи кучи, солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам ва тижорат имтиёзларини тақдим эти-

шига доир қоидалар белгилангани эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз илм-фани ривожининг янги босқичини бошлаб берди. Хусусан, Фармон билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичлари белгилаб берилди ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ушбу тарихий ҳужжат илм-фан соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги концептуал жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади:

биринчидан, илм-фан соҳасига замонавий бошқарув услубларини жорий этишни назарда тутувчи янги институтларнинг ҳуқуқий асоси белгиланди. Хусусан, илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш, илм-фанда ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди;

иккинчидан, илм-фан ва илмий фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тамомила янги босқичи учун ташкилий-ҳуқуқий асослар белгиланди. Хусусан:

2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш шулар жумласидандир;

учинчидан, мамлакатимиз илмий кадрлари сифатини ошириш ва илмий фаолиятга ёшларни кенг жалб этиш борасида мутлақо

янги институционал тизимни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш;

2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилди.

тўртинчидан, илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантиришга доир муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, миллий илмий портални яратиш; олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш орқали илм-фан соҳасида мутлақо янги ахборот муҳити шаклланишига эришилади.

Бугунги кунда юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида тарихий ва оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз бу борада сўнгги йилларда амалга оширилган ишларнинг тадрижийлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўплаб устувор вазифаларни белгилаб бердилар ҳамда илмий асослантирилган таклифларни илгари сурди.

Хусусан, Мурожаатномада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, маданий соҳаларида бўлгани каби илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган қуйидаги устувор мақсад ва вазифалар белгиланди:

биринчидан, 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилиши ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилиши, ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилиши;

иккинчидан, илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даража-

ларини бериш ваколоти ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилиши;

учинчидан, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этилиши;

бешинчидан, соҳада «Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади», деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши;

олтинчидан, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сонини 5 баробарга оширишга доир муҳим вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашга, юртимиз тараққиётининг янги порлоқ саҳифалари очилишига, шунингдек чинакамига Учинчи Ренессанс пойдевори учун мустақкам замин яратилишига хизмат қилиши билан аҳамиятга моликдир.

Илм-фан тараққиёти юксак цивилизацияларнинг асоси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Илм-фан соҳасида кўп йиллик тажрибага эга инсон сифатида айтишим мумкинки, дунё илм-фани ўчоғи, цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз яқин келажакда илмий маскан сифатидаги тарихий қиёфасини қайтадан тиклаган ҳолда жаҳон майдонидаги ўрни ва нуфузини янада мустақкамлаши учун барча асослар ва шарт-шароитлар етарли.

Ф. ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти
директори, юридик фанлар доктори

НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Номусга тегиш жинояти шахсга қарши қаратилган оғир жиноятлардан биридир. Ушбу жиноятнинг криминалистик тавсифи шу билан белгиланадики, бунда терговчи номусга тегиш ким томонидан содир этилганлигини аниқлаш билан бир қаторда, жабрланувчи ушбу жиноятни содир этган деб кўрсатаётган шахсга тухмат қилмаётганлигини аниқлаши лозим бўлади.

Бу каби жиноятларни тергов қилиш амалиёти жабрланувчига ўтказиладиган таъсир кучлилигидан далолат беради. Манфаатдор шахслар жабрланувчини алдаб ўзига оғдириб олиши, уйланишни ваъда қилиши ёки турли хил таҳдидлар, кўрқитишларни амалга ошириши ва бошқа йўллар билан руҳий таъсир ўтказиши мумкин.

Номусга тегиш жиноятдан қолган айрим излар тезда йўқолиш хусусиятига эга (қон, сперма, жинсий аъзолардаги айрим излар). Шунинг учун терговчи бу изларни тезда топиши ва қайд қилиши, уларни синчиклаб текшириши лозим.

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгилга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўллари сиқиш, оёқлари, қўллари ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва шу кабилар тушунилади¹.

Жинсий алоқада бўлганлик изларини, зўрлик аломатларини ва жиноятини аниқлашда жабрланувчи сўроқ қилинади, тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилади, ҳодиса содир бўлган жой текширилади, жабрланувчи, гумон қилинувчига нисбатан суд-тиббийёт экспертизаси тайинланади, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш. Жабрланувчини сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўроқда жиноят содир қилинган вақт, тажовуз жойи, тажовуз тўсатдан қилинганми ёки жабрланувчи қандай усулда қаршилиқ кўрсатган: бақирганми, ёрдамга чақирганми, қандай овозда, тажовузчини тишлаганми ёки тирнаганми, жинсий алоқа охирига етказилганми, агар охирига етказилмаган бўлса, нима сабабдан, тажовуз натижасида жабрланувчининг танасида қандай жароҳатлар мавжудлиги аниқланади.

Жабрланувчи ожиз аҳволда бўлганми ёки йўқлигини аниқлаш учун ундан содир бўлган ҳодисани фаҳмлаганми, қаршилиқ кўрсатиш имконияти бўлганми, ҳодиса содир бўлишидан олдин спиртлик ичимликни истеъмол қилганми, агарда истеъмол қилган бўлса, қанча ва қандай ичимлик эканлиги аниқланади.

Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсон, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлиқ ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилиқ кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда, айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт².

Жиноятчи номаълум бўлган ҳолатда унинг ташқи кўриниши белгилари, идрок этиш шароити батафсил аниқланади. Жиноятчининг ташқи белгиларини аниқлашда унинг алоҳида белгиларини назардан четда қолдирмаслик керак. Юриши, гапириш усули, товуши, ўзига хос ҳаракатлари, кийимидаги ва юзидаги алоҳида белгилари аниқланиши лозим.

Жабрланувчидан жиноятчини кўрса таниб олиши мумкинлиги сўралади. Жабрланувчидан жиноятчи уни кузатганми, қачон ва у буни қаерда сезиб қолган, жиноятчи билан рухий алоқага киришганми, қайси йўл билан ҳодиса содир бўлган жойга келганлиги, тажовуздан кейин жиноятчи уни кузатиб қўйганми, деган саволларга жавоб олиш лозим.

Агар жабрланувчи тажовуз тўғрисида гапиришга уялса, унга бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини ва айбланувчини жавобгарликка тортиш учун асос бўлишини тушунтириш керак. Сўроқ натижалари ижобий бўлиши учун жабрланувчини қатта ёшдаги терговчилар сўроқ қилгани мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчини ҳодиса ҳақида сўроқ қилишнинг охирида жабрланувчидан ушбу шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги аризани ихтиёрий равишда бераётганлиги сўралади.

Агар жабрланувчи ҳодиса содир бўлгандан кейин ўша заҳоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берса (жиноятчи номаълум бўлса), тезда уни қидирув ҳаракатлари ташкил этилади.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти жабрланувчининг жинсий эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ўз хошишига кўра жинсий шеригини танлаш ҳуқуқи, шунингдек 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади. Номусга тегишнинг қўшимча объекти жабрланувчининг ҳаёти (ёки соғлиғи) бўлиши мумкин³.

Жиноятнинг *объектив томони* зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишда ифодаланади⁴.

Номусга тегиш вақтида айбдор қўллаган зўрлик жисмоний ёки рухий бўлиши мумкин.

Жабрланувчининг иродасини синдириш усули сифатидаги кўрқитиш аниқ бўлиши керак. Кўрқитиш ҳам жабрланувчининг манфатларига нисбатан, ҳам унинг яқин кишилари (болалари, ота-онаси, яқин қариндошлари ва ҳоказо)га нисбатан бўлиши мумкин.

Жиноятнинг *субъекти* ҳар икки жинсдаги, жиноят содир этилган вақтга келиб 14 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин⁵.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор жабрланув-

чига нисбатан зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб, унинг хошиш-иродасига қарши номусга тегаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва кўзланган мақсад квалификация учун аҳамиятга эга эмас. Жиноятнинг мотиви аксарият ҳолларда шахвоний ҳирс ҳисобланади. Айрим ҳолларда жиноят мотиви жабрланувчидан ўч олиш, уни шарманда қилиш, атрофдагилар олдида камситиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Номусга тегиш, шунингдек диний таассублар замирида ҳам содир этилиши мумкин. Миллий ёки ирқий адоват мотивининг мавжудлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди⁶.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жабрланувчини сўроқ қилгандан кейин, иложи бўлса, унинг ҳамкорлигида амалга оширилади. Кўздан кечириш натижасида қуйидагилар қайд этилиши мумкин: биологик хусусиятдаги излар (сперма, қон, сўлак, хид, тер) олишувдан қолган қўл, бармоқ излари, жабрланувчи ва жиноятчини ҳодиса жойига қайси томондан келганлиги ва унинг пойабзал излари, қолдирган ёки тушиб қолган бошқа предметлар. Жабрланувчининг кўрсатувлари ҳодиса жойида кўздан кечириш, топилган изларни, предметларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, шунингдек ҳодиса жойини кўрсатиш вақтида жабрланувчи сўроқ жараёнида ёддан чиқарган ҳолатларни қайта эслаши ва бу ҳақда терговчига тушунча бериши мумкин.

Суд-тиббий экспертизаси. Жабрланувчини суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш олинган кўрсатувларини текшириш ва масалани ҳал қилиш учун жуда зарур. Экспертиза имкон қадар зудлик билан ўтказилиши лозим, акс ҳолда тажовуз ва жинсий алоқа излари йўқолиши мумкин.

Суд-тиббий экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этади: жабрланувчининг жинсий аъзолари ва танасида жароҳатлар мавжудлиги, унинг хусусияти, муддати, пайдо бўлиш сабаби, даражаси, нима орқали зарар етказилганлиги, номусга тегиш орқали етказилган бўлиши мумкинлиги, жабрланувчи маст ҳолатда бўлган ёки бўлмаганлиги.

Гумон қилинувчини суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш қуйидаги ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради: жабрланувчи жинсий алоқада бўлганми, гумон қилинувчининг танасида жабрланган шахс томонидан қаршилиқ кўрсатиш пайтида етказилган жароҳат мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

Ашёвий далиллар бўйича суд-биологик экспертизаси ўтказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, жабрланувчининг кийимларида кўпгина биологик характердаги излар қолиши мумкин. Булардан ташқари, экспертизага ҳодиса жойида топилган предметлар ҳам юборилади. Айрим ҳолларда жабрланувчининг кийимларини экспертизадан ўтказишда унинг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин. Чунки, бу изларни тезда топишга ёрдам беради.

Суд-биологик экспертизаси ашёвий далилларни текшираётганда қуйидаги ўзига хос саволларга жавоб беради: текширилаётган объектда қон, сперма, сўлак, соч қолдиқлари мавжудми, улар инсонга тегишлими, қон гуруҳи қанақа, бу биологик излар қайси аниқ шахсга хос? Бундан ташқари, суд-тиббиёт экспертизаси доғ, қон, соч, изларни айнан тана қисмини қайси жойидан ажралиб чиққанлигини аниқлаб бера олади.

Сочга оид қуйидаги ҳолатлар аниқланади: узилганми, қирқилганми, агар қирқилган бўлса, қачон, унда ифлосланиш, зарарланиш ёки аниқ предмет излари мавжудми?

Тинтув. Гумон қилинувчидан нарсаларни олиш ва текшириш зарурияти тинтув ўтказишни тақозо этади. Тинтувда ҳодиса жойидан олиб кетилган жабрланувчига ёки яқин қариндошларга тегишли нарсалар, шунингдек жабрланувчига таҳдид солинган вақтда гумон қилинувчининг устида бўлган кийимлар топилиши мумкин.

Топилган ва олинган нарсалар ўша жойда баённомада қайд этилади (қаердан, қай ҳолатда олинганлиги) ва далилий ашё сифатида махсус идишларга солиниб, муҳрлаб қўйилади.

Гумон қилинувчи (айбланувчи)ларни сўроқ қилиш тактикаси. Терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилиш режасини тузганда гумон қилинувчи ўзини ҳимоя қилиш учун келтириши мумкин бўлган вазиятни эътиборга олиб тусмоллар тузади. Гумон қили-

нувчининг алибисини текшириш учун номусга тегиш жинояти содир этилган вақтда қаерда ва қандай машғулот билан шуғулланганлиги тўғрисида гумон қилинувчининг вазини тасдиқловчи шахслар сўроқ қилинади.

Гумон қилинувчи жинсий алоқани ихтиёрий бўлган деб, жабрланувчи билан жинсий муносабати мавжудлигини асос қилиб кўрсатиши мумкин. Бу тусмолни текшириш учун у сўроқ қилинганда ўзаро алоқалари қачондан бери давом этгани, бундан ўзининг ва жабрланувчининг яқин қариндошлари хабардорлиги ва бунга уларнинг муносабати аниқланиши лозим.

Гумон қилинувчи жабрланувчи билан учрашганлигини инкор этмаслиги мумкин. Лекин, улар ўртасида ҳеч қандай жинсий алоқа бўлмаганлиги тўғрисида кўрсатуви танасида тажовуздан қолиши мумкин бўлган излар бор ёки йўқлиги орқали аниқланади. Гумон қилинувчини сўроқ қилишда қуйидаги саволлар берилиши мумкин: охири пайтда ким билан жинсий алоқага киришган ва қачон, учрашув қандай характерда бўлган, ўша учрашувдан унинг танасида, кийимида қандай излар қолганлиги тўғрисида сўралиши мумкин.

Гумон қилинувчи билан жабрланувчининг учрашуви характерини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар аниқланади: қаерда ва нима сабаб билан учрашганлар, улар қанча вақт бирга бўлишган, нима қилишган, нима ҳақида гаплашишган, уларни бирон киши кўрганми, учрашувдан қайтишда кимларни учратган ва бу учрашув ҳақида кимлар хабардор эканлиги масалаларига аниқлик киритилади.

Айбланувчи тергов давомида ўз кўрсатуви ва жабрланувчи билан учрашганлик ҳолатини инкор этиши мумкинлигини назарда тутиб, ҳодиса содир бўлган жойда унинг кўрсатуви текширилиши ва бу баённомада, фотосурат, видеоёзув орқали қайд этилиши мақсадга мувофиқ.

Айбланувчининг кўрсатувлари ёлгон эканлигини фош қилиш мақсадида унга қуйидаги далилларни кўрсатиш лозим: сўроқ баённомаси, эксперт хулосаси, тинтув ва ҳодиса содир бўлган жойдан топилган ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари.

Вояга етмаганлар номусига тегиш жиноятини тергов қилиш.

Вояга етмаганлар жабрланувчилар содир бўлган ҳодиса ҳақида тўла маълумот бера олишмайди. Жабрланувчининг шахсий хусусиятларини инobatга олиш ва кўрсатувларини синчиклаб текшириш лозим.

Бундай ҳолатда жиноятчини вояга етмаган шахслар номусига тегиб судланганлар орасидан қидирмоқ лозим.

Жабрланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан берилган номусга тажовуз қилинганлик тўғрисидаги маълумотлар ҳар томонлама текшириб кўрилади. Чунки, ўзаро жанжаллашиш натижасида қасд олишни мақсад қилиб, ифво уюштириш ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин.

Агар тажовуз 16-17 ёшли бўлган, жисмонан яхши ривожланган қизга нисбатан содир этилган бўлса, айбланувчи унинг вояга етмаганлигини билган ёки билиши мумкин бўлганини исботлаш лозим. Вояга етмаган шахсларнинг руҳий ҳолатини синчиклаб аниқлаш учун суд-психологик экспертизаси ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Гуруҳ томонидан содир этилган номусга тегиш жиноятини тергов қилиш. Бундай туркумдаги жиноятлар кўпинча вояга етмаган

шахслар томонидан гуруҳ бўлиб содир этилади.

Тажовуз ҳам вояга етмаган шахсларга қаратилади. Айбланувчиларнинг кўрсатувлари бир-бирига қарама-қарши бўлади, яъни ўз айбини енгиллаштиришга ҳаракат қилиш, воқеа қоронғуда, маст ҳолатда содир этилганлиги туфайли ўзини бошқара олмаганлик важлари асос қилиб кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда терговчи нафақат айбланувчилар ва жабрланувчини батафсил сўроқ қилади, балки айбланувчиларнинг ҳар бирининг жиноят содир этишдаги иштирокини аниқлаш мақсадида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тарзидаги тергов ҳаракатини ўтказиши лозим бўлган ҳолат юзасидан саволлар ва ашёвий далиллар жўнатилади.

О. ҚУЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Тергов департаменти
бошлигининг ўринбосари

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 29.10.2010 йилдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/2414120>.

²Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 29.10.2010 йилдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/2414120>.

³Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси. Маърузалар матни. 5-Мавзу: Жинсий эркинликка қарши жиноятлар. file:///C:/Users/user/Downloads/zhinsij_erkinlikka_qarshi_zhinoyatlar.pdf.

⁴Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси. Маърузалар матни. 5-Мавзу: Жинсий эркинликка қарши жиноятлар. file:///C:/Users/user/Downloads/zhinsij_erkinlikka_qarshi_zhinoyatlar.pdf.

⁵Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси. Маърузалар матни. 5-Мавзу: Жинсий эркинликка қарши жиноятлар. file:///C:/Users/user/Downloads/zhinsij_erkinlikka_qarshi_zhinoyatlar.pdf.

⁶Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси. Маърузалар матни. 5-Мавзу: Жинсий эркинликка қарши жиноятлар. file:///C:/Users/user/Downloads/zhinsij_erkinlikka_qarshi_zhinoyatlar.pdf.

⁷Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти криминалистика дарслик. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ғ.А.Абдумажидовнинг умумий таҳрири остида. I жилд Т.:–2003 <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287487-1.html?page=23>.

ШАРТЛИ ҲУКМНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юриштиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди.

Жумладан, Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди¹.

Шу муносабат билан республикамызда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, шартли ҳукм қўлланилмоқда. Бироқ, шартли ҳукмни қўллашда унинг жиноий-ҳуқуқий таҳлилига ҳам чуқур эътибор қаратиш ҳуқуқшунос олимларнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳуқуқшунослар томонидан шартли ҳукм тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, профессор М. Рустамбоев шартли ҳукм қилишнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, суд айблов ҳукми чиқараётиб, маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг миқдорини белгилайди, аммо тайинланган жазони шартли деб ҳисоблашга қарор қилади², дея умумий тушунча беради. Профессор А. Якубов ва Р. Кабулов шартли жазо белгилаш суднинг озодликдан маҳрум этиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари шаклидаги тайинлаган айблов қарорини ҳақиқатда ўташдан озод қилишнинг бир туридир³, деб таъриф берган. У. Холикулов шартли ҳукм қилиш – ўзига хос жиноят-ҳуқуқий институт бўлиб, айбдорга нисбатан тайинланган жазони бирон-бир шарт билан қўлламасликда ифода-

ланишини таъкидласа⁴, Е. Редькина шартли ҳукмни суд жазо тайинлашда унинг тури ва миқдорини аниқлаб, маҳкумга жазони аниқ ўтамасдан, тузалишига имконият бериш орқали тайинланган жазони аниқ ўташдан шартли озод қилинишини⁵ қайд этади. Д. Рябко шартли ҳукм маҳкумга белгиланган синов муддати давомида унга юкланган мажбуриятларга риоя этиши ва ўзининг хулқ-атвори билан тузалганлигини исботлаши лозим бўлган асосий жазо турини ижро этмасликда ифодаланишини⁶ қайд этади. А. Островский эса, шартли ҳукм суд томонидан айбдор шахсга белгиланган муддат давомида янги жиноят содир этмаслиги ва унинг хулқ-атворини тузалишига қўйиладиган бошқа талабларга риоя этиш шарти билан аниқ жазони қўлламасликдан иборат бўлган чора эканлигини⁷ таъкидлаган.

Д. Рябко ва А. Островскийнинг шартли ҳукм тушунчасига билдирган таърифларини тўлиқроқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, шартли ҳукм белгиланган синов муддати давомида айбдор шахс шартли ҳукмда риоя этиши керак бўлган барча шартларни бажарса, унга нисбатан тайинланган жазони ўтамаслиги ва шартли ҳукмнинг бекор қилинишида ифодаланади.

Ҳуқуқшунос А. Хапаев шартли ҳукм жазо тайинланиб, шахс уни ҳақиқатан ўтамаслигидир⁸, деб таъкидлайди. К. Михайлов эса, шартли ҳукм – жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд томонидан қўлланиладиган жазони ўташдан озод қилиш турларидан бири⁹, деб таъриф беради. Назаримизда, мазкур тушунчалар бироз мулоҳазали, сабаби, шартли ҳукмни тайинлашда жиноий жазолар рўйхати ҳамда уни қўллаш учун маҳкум риоя қилиши керак бўлган шартлар ҳақида фикр билдирилмаган.

Айрим хорижий мамлакатлар (Исроил, Корея, Туркия, Таиланд, Голландия ва Австралия)нинг Жиноят кодексларида айнан шартли ҳукм тартибини белгилайдиган алоҳида маҳсул нормалар йўқ. Аргентина ва

Швейцарияда эса, айнан шартли ҳукм тартибини белгилайдиган алоҳида махсус нормалар мавжудлиги эътиборга моликдир.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мазкур ҳуқуқий чоранинг белгиланишига турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Эстония ЖКнинг 47-моддасига асосан, агарда суд айбдор шахсга шартли ҳукмни қўллаб белгиланган синов муддати давомида айбдор янги жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса ва синов муддати вақтида унга юкланган назорат талаблари ва мажбуриятларни бажарса, ҳукмни ижро этмаслик ҳақида қарор чиқаради¹⁰. Франция ЖКнинг 132-40-моддасига мувофиқ, суд шартли ҳукм қўлланилган шахсга белгиланган синов муддати давомида содир этган янги жинояти учун ҳукм қилинишини ёхуд юкланган муайян мажбуриятларни бажаришдан ёки назорат чораларидан бўйин товлашининг оқибатларини тушунтиради¹¹. Латвия Жиноят қонунининг 55-моддасига биноан, суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва етказилган зарарни, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, у жазони ўтамасдан туриб ҳам келажакда қонунни бузмайди деган ишончга кел-

са, айбдор шахсга шартли ҳукмни қўллаши мумкин¹². Беларусь ЖКнинг 78-моддасига қўра, агарда суд шартли ҳукмда белгиланган синов муддати давомида маҳкум янги жиноят содир этмаса ва унга юкланган мажбуриятларни бажарса, тайинланган жазони ижро этмаслик ҳақида қарор чиқаради¹³. Молдова ЖКнинг 90-моддасига мувофиқ, агарда суд шартли ҳукмда белгиланган синов муддати давомида маҳкум янги жиноят содир этмаса ва намунали хулқ-атвори ва ҳалол меҳнати билан унга билдирилган ишончни оқласа, суд тайинланган жазони ижро этмаслик ҳақида қарор чиқаради¹⁴.

Хорижий давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин, деб қайд

АННОТАЦИЯ

Муаллиф мазкур мақолада шартли ҳукмни қўллаш асосларини жиноий-ҳуқуқий таҳлил қилиб унинг тушунчасини такомиллаштириш бўйича таклиф берган ҳамда у ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳуқуқшунос олимларнинг фикри, шунингдек махсус адабиётлар орқали ёритиб берган. Хусусан муаллиф ўз таклифини шартли ҳукмни қўллаш бўйича белгиларнинг аниқ кўрсатилиши шартли ҳукм қўллаш амалиётига тўлиқ мувофиқ келишини таъминлашга хизмат қилиши билан асослаган.

Таянч сўзлар: шартли ҳукм, шартли ҳукмни қўллаш, муайян мажбуриятлар ва шартларга риоя этиш.

* * *

Автор в данной статье, проведя уголовно-правовой анализ основ применения условного осуждения, дал предложения по совершенствованию данного понятия, обосновав свои предложения с учетом мнения ученых – правоведов и соответствующей специальной литературы. В частности, автор подчеркнул, что точное указание признаков по применению условного осуждения полностью соответствует практике применения условного осуждения.

Ключевые слова: условное осуждение, применение условного осуждения, соблюдение определенных обязанностей и условий.

* * *

The author of the article, having carried out a criminal-legal analysis of the basis of application of suspended sentence, developed proposals for improvement of the concept and substantiated his proposal with the opinions of legal scholars and corresponding special literature as well. In particular, the author substantiated his proposals, the precise indication of the signs on the use of a suspended sentence serves to ensure full compliance with the practice of applying a suspended sentence.

Key words: suspended sentence, application of suspended sentence, compliance with certain obligations and conditions.

этилган. Мазкур тушунча суд, прокуратура ва ички ишлар органларининг пробаця хизмати ходимлари ўртасида қай даражада тушунарли бўлаётганлигини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ўтказилди. Унга кўра, «Жиноят кодексининг 72-моддасида «Шартли ҳукм қилиш» тушунчаси тўлиқ ва батафсил ёритиб берилган деб ҳисоблайсизми», деб сўралганида респондентларнинг 65 фоизи «тўлиқ эмас, шартли ҳукм қилиш асосларини ва маҳкумнинг мажбуриятларини белгилаб беришнинг зарурати мавжуд», 22 фоизи «тўлиқ ва батафсил ёритиб берилган», 13 фоизи эса «жавоб беришга қийналаман», дея жавоб берган. Бу эса, шартли ҳукм қилишнинг қонунчиликда асосланган ва янада тўлдирилган мазмундаги тушунчасининг берилиши зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, Жиноят кодексининг 72-моддасида «Шартли ҳукм» тушунчасида келтирилган белгилар билан бир қаторда, «озодликни чеклаш», «жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар», шунингдек «белгиланган синов муддати давомида унинг хулқ-атворини, муайян мажбуриятлар ва шартларга риоя этишини назорат қилиш»ни шартли ҳукм қилишнинг

белгиси сифатида белгилаб бериш зарурати мавжуд.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим: «Суд айбдор шахсга ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан бирини тайинлаш вақтида уни содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам белгиланган синов муддати давомида унинг хулқ-атворини, муайян мажбуриятлар ва шартларга риоя этишини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукмни қўллаши мумкин».

Д. УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси «Жиний жазоларни
ижро этиш фаолияти» кафедраси
катта ўқитувчиси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 декабрь.

²Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ, Умумий қисм. – Тошкент: Адолат, 2016. – 506-б.

³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997. – 105-б; Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik / A.S. Yakubov, R. Kabulov va boshq. – Toshkent.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2009. – 331-б.

⁴Холиқулов У.Ш., Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2006. – 124-б.

⁵Редькина Е.А. Региональная криминологическая характеристика преступлений, совершаемых условно осужденными несовершеннолетними, и их предупреждение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2008. – С. 10.

⁶Рябко Д.А. Уголовно-правовая характеристика условного осуждения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – С. 14.

⁷Островский А.Л. Условное осуждение в российском и зарубежном законодательстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2007. – С. 13.

⁸Хапаев А.О. Уголовное право в вопросах и ответах: Учеб. пособие. – М.: Флинта: МПСИ, 2007. – С. 54.

⁹Михайлов К. Применение условного осуждения и цели наказания // Уголовное право. – Москва, 2008. – № 2. – С. 60.

¹⁰Уголовный кодекс Эстонии // URL: <https://constitutions.ru/?p=446> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.10.2019).

¹¹Уголовный кодекс Франции // URL: <https://constitutions.ru/?p=5859> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.10.2019).

¹²Уголовный закон Латвии // URL: <https://likumi.lv/ta/en/en/id/88966> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.10.2019).

¹³Уголовный кодекс Республики Беларусь // URL: <http://pravo.by/document/?guid=3871> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.12.2019).

¹⁴Уголовный кодекс Республики Молдова // URL: <http://lex.justice.md> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.12.2019).

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5843-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4472-сонли Қарорининг қабул қилиниши давлат фуқаролик хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш орқали Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматининг асосий тушунчалари, регламентлари ва қафолатларини қонун билан мустаҳкамлаш вазифаси кўйилди. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига кўйилди.

Маълумки, узоқ йиллардан бери «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш долзарб масала бўлиб келаётган эди. Давлат хизматининг умумий жиҳатларини, асосларини, унинг турларини, ташкилий-ҳуқуқий механизмини, уни ўташ тартибини, шунингдек давлат хизматчисининг

ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ягона қонуннинг йўқлиги кўп муаммолар келтириб чиқараётган эди. Давлатнинг тараққий этиши, энг аввало, давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Давлат органларининг самарали фаолият олиб бориши кўп жиҳатдан бу қонуннинг қабул қилинишини тақозо этади. Ҳуқуқшунос олим Е. Охотский айтганидек, давлат хизматчилари, уларнинг интилиши ва қизиқишлари қандай бўлса, давлат ҳам шундай тараққий этади². Мазкур қонун лойиҳаси бир неча марта қайта ишлаб чиқилди, лекин айрим сабабларга кўра қабул қилинмади. Шунингдек, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган эди. Мазкур қонуннинг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун билан қандай боғлиқлиги, давлат хизмати билан давлат фуқаролик хизматининг қандай фарқи бор, деган савол туғилади. Чунки, республикамиз қонунчилик ҳужжатларида асосан давлат хизмати атамаси қўлланиб келинган, лекин давлат хизмати ва давлат хизматчиси тушунчаси ҳеч бир қонунчилик ҳужжатида келтирилмаган. Фақат назарий асослари ҳуқуқшунос олимлар томонидан келтириб ўтилган эди. Давлат хизмати тушунчасига кўпчилик олимлар турлича таъриф беришган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Б. Лазерев «Давлат хизмати – давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир», деб таъриф берган³. Ҳуқуқшунос олим О. Хусанов бу ҳақда

шундай ёзади: «Давлат хизмати вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти органларининг бошқарувидаги ва бошқа давлат органларидаги давлат номидан унинг вазифаларини бажарувчи хизматлардан иборат»⁴. Хорижий давлатлар қонунчилигида давлат хизмати тушунчаси дерли бир-бирига яқин, яъни давлат хизмати деганда профессионал асосда давлат органларининг вақолатларини ижро этишни таъминлашга қаратилган фаолият деб белгиланган. Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг тизимига кириб, унинг бир тури ҳисобланади. Жумладан, Арманистон Республикасининг қонунчилигида давлат хизмати тизими фуқаролик хизмати, суд, дипломатик хизмат, мудофаа бўйича махсус хизмат, миллий хавфсизлик, полиция, солиқ, божхона хизмати ва бир қатор давлат хизмати турларидан иборат. Қирғизистон Республикаси давлат хизмати тизими эса, давлат фуқаролик хизмати, ҳарбий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва дипломатик хизмат турларини ўз ичига олади. Россия давлат хизматининг тизими давлат фуқаролик, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати каби турлардан иборат. Германия Федератив Республикасида давлат фуқаролик хизмати оммавий хизмат деб юритилади. Давлат хизматининг бундай турларга бўлиниши ҳар бир давлатнинг қонунчилигида махсус қонунлар билан тартибга солинадиган давлат хизмати турлари мавжудлигини билдиради. Бизнинг мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ҳарбий хизмат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари, солиқ, божхона хизмати ва бошқа бир қатор давлат хизматининг турлари алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган, аммо давлат фуқаролик хизмати ва уни ташкил этиш механизмини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати мавжуд эмас эди. Айрим давлатларда давлат фуқаролик хизматига оид муносабатлар шу давлатнинг давлат хизмати тўғрисидаги қонуни билан ёки алоҳида давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги ёхуд Оммавий хизмат

тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинган ҳамда давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг тури эканлиги белгиланган. Шунингдек, президент, бош вазир, губернаторларнинг, судьяларнинг ҳамда давлат сиёсий мансабларини эгалловчи бошқа шахсларнинг фаолияти давлат фуқаролик хизмати ҳисобланмаслиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати комплекс асосда Конституция ва бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, давлат хизматини ташкил этиш, давлат хизматини ўташ соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар конституциявий, маъмурий, молиявий, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш эса, давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Бугунги кунда давлат хизмати институтини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида дунёнинг деярли барча мамлакатлари фаол позицияни эгаллашган. Кўплаб қонун чикарувчиларнинг давлат хизмати институтини ташкил этишнинг конституциявий даражада асосини яратганликлари ижобий баҳоланади. Хусусан, АҚШ, Франция ва Германия ва бошқа давлатларда шундай қоида жорий қилинган. Жумладан, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида, Германиянинг 1949 йилги Конституциясида ҳам бундай нормалар мавжуд⁵.

Юқорида айтганимиздек, давлат хизматини ташкил этиш асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган. Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган вазифаларни бажаришда катта аҳамиятга эгадир. У демократик мувоzanатни, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига риоя қилишни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофа-

засини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддалари бевосита давлат хизматини ташкил этиш ва давлат хизматини ўташнинг асосий тамойилларини мустақамлайди. Жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимки, раҳбарнинг давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиш тамойили унинг шахсий ва бошқа сиёсий гуруҳ аъзоси сифатидаги тор манфаатлардан чекиниш учун бир қатор куйидаги талабларни кўяди: биринчи талаб – раҳбар сиёсий бетарафлик, қонунга онгли равишда бўйсунуш позициясига эга бўлиши ва шу асосда давлатга, унинг бош манбаи бўлган халққа, жамиятга ҳалол хизмат қилиши лозим; иккинчи талаби – айнан бир давлат органи ёки шахсга эмас, ўзининг корпоратив гуруҳига ҳам эмас, фақат қонунга, давлатга, у орқали халққа хизмат қилишдир; учинчи талаби – давлат хизматининг оммабоплиги, яъни унга давлат, жамият ва шахс манфаатларининг умумий мажмуасини таъмин этувчи умумхалқ хизмати моҳиятини берувчи характер бахш этиш. Худди шундай ёндашув давлат хизматини профессионализм, ижтимоийлик, ахлоқийлик, маънавийлик ва бошқа меъёрларига тўла мос келиши лозим; тўртинчи талаби эса, давлат хизматининг очиқ-ошкоралиги ҳисобланади⁶.

Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоянинг ҳам асоси Конституцияда эканлигини кўришимиз мумкин.

Давлат қонунчилигига биноан фуқаролар давлат хизматида бевосита иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциянинг 35-моддасига биноан эса, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига эга бўладилар.

Давлат хизматини ўташда барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқларга эга бўлиб, миллати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Давлат хизматида фуқароларнинг фаолият кўрсатишида, мансаб ёки лавозим бўйича ҳаракатланишида давлат томонидан тенг шароитлар яратиб берилади. Барча давлат хизматчилари бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари умумийлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини Конституция ва амалдаги қонунлар асосида, Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган талабларни ҳаётга татбиқ қилган ҳолда ташкил қилишлари лозим. Давлатимиз олдида қўйилган мақсадларнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан давлат органларини ва уларнинг фаолиятини, яъни давлат хизматини ўташни тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Қонунийлик тамойили давлат хизматини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши ҳуқуқ меъёрларига асосланиши ҳамда жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши; давлат хизматчилари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига таяниб, фақатгина давлат органларининг ваколат доирасида ўз фаолиятларини амалга оширишлари, қонунчилик билан уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари, белгиланган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланишлари, белгиланган тартибга риоя қилишлари лозим.

Лекин, ривожланган хорижий мамлакатлар конституциясида фуқароларнинг давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эга эканликлари аниқ белгилаб қўйилган. Ҳатто, Италиянинг 1947 йилги Конституцияси-

да икки жинс вакиллари бир хил шароитда давлат хизматига кириш ва сайланадиган лавозимларни эгаллаши учун тенг ҳуқуққа эга эканлиги мустаҳкамланган⁷. Фикримизча, бизнинг Конституциямизда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар, деган норманинг белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати Конституцияда кўрсатиб ўтилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида (яъни халқ ҳокимиятчилиги (7–14 моддалар), инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари (18–52 моддалар), давлат тузилиши (68–75 моддалар), суд ҳокимияти (106–116 моддалар), маҳаллий давлат ҳокимият органлари (99–105 моддалар) ва бошқалар) ташкил этилади ва ривожланади.

Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилган ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида ташкил қилинади. Давлат ваколатларининг ҳокимият органлари ўртасида бўлиниши ҳуқуқий демократик давлат куришнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳокимият органлари бир-биридан мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат олдида турган маълум бир вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, қонунлар ва Олий Мажлис қарорлари, Президент ва Ҳукумат қабул қилган ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари, марказий ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги кунда «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва муҳокама қилин-

моқда. Мазкур лойиҳада ҳам қонуннинг кўлланилиш соҳаси белгиланиб, қайси соҳаларга татбиқ қилинмаслиги кўрсатиб ўтилган: мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари ҳамда судьялардан ташқари барча Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизматчиларига татбиқ этилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, мудофаа, давлат хавфсизлиги органларида, дипломатик, божхона, солиқ ва қутқарув хизматида хизмат ўтаётган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланади ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Дарҳақиқат, юқорида келтириб ўтилган соҳалардаги давлат хизматини тартибга солувчи алоҳида қонунлар мавжуд.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизмати лавозимларини давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидавлат фуқароликхизматчиси ҳисобланиши белгиланган. Давлат фуқаролик хизматининг давлат лавозимлари реестри, яъни давлат органлари ва ташкилотларидаги иерархик тарзда ташкил қилинган давлат лавозимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қонун лойиҳаси 11 та боб ва 75 та моддадан иборатдир.

Фикримизча, ушбу лойиҳада давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти, уларни ротация қилиш, давлат хизматчиларини аттестациясини белгиловчи

нормаларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш керак. Шунингдек, лойиҳада хизмат контракти ва меҳнат шартномаси атамаларидан фойдаланилган. Лекин, бу атамаларга таъриф берилмаган. Ўзбекистон Республикаси давлат хизматида қабул қилинган фуқаролар билан хизмат контракти ёки меҳнат шартномаси тузилади. Хизмат контракти давлат хизматини ўташнинг асосий шартларини тартибга солади. Хизмат контрактининг предмети бўлиб, давлат ва давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида бу иккала тушунча синоним сифатида ишлатилган бўлса-да, юридик жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади. Юридик адабиётларда асосан уларни қуйидаги фарқи кўрсатиб ўтилган:

Меҳнат шартномасига оид муносабатлар Меҳнат кодекси билан, хизмат контрактига оид муносабатлар давлат хизматини тартибга солувчи махсус қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Меҳнат шартномаси номуайян муддатга ҳам тузилади. Хизмат контракти эса аниқ муддатга тузилади. Меҳнат шартномаси иккала томоннинг хоҳиши билан ҳам бекор қилиниши мумкин. Хизмат контракти эса, фақат давлат органининг розилиги билангина бекор қилиниши мумкин. Давлат хизматчисини хизматдан бўшаш ҳақидаги мурожаатини давлат органи раҳбари рад этиши ҳам мумкин. Шунингдек, контрактни бекор қилишнинг қўшимча асослари ҳам белгиланиши мумкин. Хизмат контрактида давлат ижтимоий кафолатлари ҳам назарда тутилади⁸. Келтириб ўтилган хусусиятларни ҳисобга ол-

ган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларида бу иккала атаманинг аниқ фарқини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат хизматчиларининг мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатларини декларация қилиш учунгина аҳамиятли деб ҳисоблашмоқда. Ваҳоланки, декларация қилиш коррупциявий омилларни бартараф этиш ва уларга қарши курашиш мақсадида амалга оширилиб, мазкур тартиб фақат давлат фуқаролик хизматчиларига нисбатан эмас, балки барча турдаги давлат хизматчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши керак. Мазкур қонун билан фақат давлат фуқаролик хизматчилари ва улар оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатларини декларация қилиш тартибга солинади. Бошқа давлат хизматчиларининг ва улар оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатларини декларация қилиш тартиби махсус қонунларда ҳам белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат хизматининг самарали фаолият юритиши унинг ҳуқуқий жиҳатдан қандай тартибга солинганига боғлиқдир.

Ф. ИСАЕВА,
Тошкент давлат
юридик университети
«Маъмурий ва молия ҳуқуқи»
кафедрасининг катта ўқитувчиси

¹«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 18 сентябрь, 37-сон, 979-модда.

²Охотский Е.В. Государственная служба в Парламенте. – М., 2002.

³Лазерев Б.М. Гос. служба. – Л. 1993. – С.56.

⁴Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ўташнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент: Академия, 2005.

⁵ОБЩЕСТВО И ПРАВО • 2017 • № 1 (59). –С158-161.

⁶Алиева К. Давлат хизматчиси фаолиятининг тамойиллари ва меъёрлари // Жамият ва бошқарув.–2008.– №2.– 5-11-б.

⁷ОБЩЕСТВО И ПРАВО • 2017 • № 1 (59). –С158-161.

⁸<https://spmag.ru/articles/chem-otlichaetsya-trudovoy-dogovor-ot-kontrakta>.

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажаги унда хусусий мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Бош Қомусимизга хусусий мулк ва унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қоидалар киритилиши баробарида қатор тарихий қонун ҳужжатлари қабул қилиндики, улар нафақат хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш, балки мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мустақкам ҳуқуқий асосини ташкил этди.

Сўнгги йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда қафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Лекин, шунга қарамай, айрим жойларда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси амалда қутилган натижаларни бермаётганини кўришимиз мумкин.

Хусусан, ер участкаларини асоссиз олиб қўйиш, мулкларни бузиш, мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижаларини қайта кўриб чиқиш орқали мулкларни давлат ихтиёрига қайтариш ҳолларига барҳам берилмаган эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи доим давлат ҳимоясида бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сонли қарори билан тасдиқланган Конституция ва

қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар Дастурининг 6-бандида хусусий мулкнинг дахлсизлигини такомиллаштириш мақсадида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар киритиш, тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг қарорлари асосида ер участкаларини олиб қўйишга, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ва ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини тугатишга қонунчилик даражасида тақиқ белгилаш ҳамда ушбу масалаларни ҳал этишни судга топшириш белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб ва мулк ҳуқуқидан асоссиз равишда маҳрум этишдан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган «Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун 2020 йил 23 декабрда қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунларга ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини тугатиш бўйича уларнинг вако-

латларини чеклаш, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколатини халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига бериш, корхоналарни (ташкilotларни) давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Қонун бир қанча эътиборли жиҳатларга эга:

Биринчидан, қатъий меъёр қилиб киритилаётган қоидаларга асосан:

- давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизлиги таъминланади;

- давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди;

- давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланади ҳамда бундай ишлар судлар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Иккинчидан, ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгиланди. Ўз ўрнида, киритилаётган нормага асосан, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Маълумки, илгари Ер кодексининг 36-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари 12 та ҳолатда ерга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқларини бекор

қилиш ваколатига эга эди.

Ушбу ҳолат фуқаролар, айниқса, тадбиркорларнинг ерга нисбатан ҳуқуқлари асоссиз равишда бекор қилинишига имконият яратиб, уларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда эди.

Мисол учун, 2018-2019 йилларда судлар томонидан ҳоким қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ жами 5 628 та ишлар кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 3 407 таси (60,5 %) қаноатлантирилган.

Шу муносабат билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ва Ер кодексининг 5, 6, 7, 36 ва 38-моддаларига ер участкаларини олиб қўйишга бўлган ҳуқуқни туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг ваколатларидан чиқаришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қуйидаги ҳоллардагина тугатилиши назарда тутилди:

1) ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) юридик шахс тугатилганда;

4) хизматда фойдаланиш учун чек ер беришга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар тугатилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Қолган ҳолларда бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини берган органнинг даъвоси асосида суднинг қарорига биноан тугатилиши белгиланди.

Шу билан ерга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқлари:

- фақатгина низосиз бўлган ҳолатларда Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан;

- низоли ҳолларда эса, суд тартибида бекор қилиниши назарда тутилди.

Шу билан бирга, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш мумкин бўлган мақсадлар чегараси Қонунда аниқ белгиланди. Бу чора фақат мудофаа ва давлат хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, кўприклар, метрополитенлар, энергетика тизими объектлари, космик фаолият объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш каби, шунингдек аҳоли пунктлари бош режаларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштириладиган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очик муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий тарзда келишилганидан кейин йўл қўйилади.

Ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг бузилишига турар ва нотурар жойлар, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда тўлиқ бўшатиб қўйилганидан, шунингдек олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар тўлиқ қопланган-

дан сўнг рухсат берилади.

Учинчидан, амалдаги қоидалардан фарқли ўлароқ, энди ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш барча низоли ҳолатларда фақат суд томонидан амалга оширилади.

Бундай ҳолатлар этиб қонунда ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаслик, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақини мунтазам тўламаслик, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланмаслик кабилар белгиланган.

Ўз ўрнида, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини фақат низо мавжуд бўлмаган тўрт ҳолатда тугатиш амалга оширилиши мумкин, яъни: ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, ер участкаси берилган муддат тугаганда, юридик шахс тугатилганда, хизматда фойдаланиш учун ер беришга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда.

Хорижий давлатларнинг, хусусан, Қозғистон, Россия, Украина, Озарбайжон каби давлатлар қонунчилигида ҳам ерга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқини фақат суд орқали бекор қилиш тартиби белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Қозғистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (249-модда) мулкдорнинг мол-мулкни мажбурий тартибда бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган ҳоллар рўйхати келтирилган, булар жумласига реквизиция, мусодара, национализация қилиш, ер участкасини олиб қўйиш ҳам киради.

Айни чоғда Қозоғистон Республикасида «Давлат мулки тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда реквизиция ва национализация қилиш мақсадлари, шартлари, асослари ва тартиби, шунингдек реквизиция ва национализация қилинганда мулкдорларга зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби назарда тутилган.

Россия Федерациясининг Фуқаролик кодекси (235-модда) ҳам мулкдорнинг мол-мулкни мажбурий тартибда бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган ҳоллар рўйхатини ўз ичига олган бўлиб, улар жумласига реквизиция, мусодара, национализация қилиш, давлат ёки муниципал эҳтиёжлар учун ер участкасини тасарруфдан чиқариш киритилган.

Шунга ўхшаш норма Беларусь Республикасининг Фуқаролик кодексида (236-модда) ҳам мавжуд.

Ушбу мамлакатлар қонун ҳужжатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бўлгани сингари реквизиция, мусодара, национализация қилинган, ер участкаси давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда мулк ҳуқуқи тугатилганда мулкдорларнинг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқи кафолатланган.

Шу билан бир қаторда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ер участкаси давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган асосларнинг аниқ ва тўлиқ рўйхати қонун даражасида белгилаб қўйилди, хусусий мулкнинг дахлсизлигини такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинишининг шартлари белгилаб берилди.

Илгари фақат мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларинигина қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга йўл қўйилмаслиги назарда тутилганлиги сабабли ваколатли давлат органлари давлат тасарруфидан чиқариш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор

қилиш ташаббуси билан чиқар эди.

Масалан, 2018-2019 йиллар давомида давлат тасарруфидан чиқариш натижаларини қайта кўриб чиқиш бўйича давлат органлари томонидан жами 526 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг 250 таси қаноатлантирилиб, мулклар давлат ихтиёрига қайтарилган.

Мазкур ҳолат мулкдорларнинг норозиликларига, халқаро ташкилотлар ва ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган эди.

Шу муносабат билан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига шу ҳақдаги ўзгартишлар киритилиб, корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида вужудга келган хусусий мулк дахлсизлиги, давлат тасарруфидан чиқариш натижалари бекор қилинмаслиги белгилаб берилди ва бунда корхона ва ташкилотни давлат тасарруфидан чиқариш натижасини, жумладан, объектнинг қийматини баҳолаш натижасини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш масалалари бўйича ташаббус билан чиқиш тақиқланиб, бундай ишлар судлар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги назарда тутилди.

Амалга киритилган ҳуқуқий асослар мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислохот ва чора-тадбирларни давом эттиришда айниқса муҳим аҳамият касб этади ва бу хусусий мулк ҳимояси кафолатини, шунингдек қонун устуворлигини таъминлашга, мулкдорлар синфини рағбатлантириш, пировардида эса аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда иқтисодий ҳусусий мулкнинг ўрни ҳамда аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

С. СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди раиси,

Ш. НАЗАРОВ,
Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси

СУДЛАРДА ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ КЎРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган. Транспорт воситаларининг кўпайиши эса, транспорт билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни янада сифатли тартибга солинишини, бу соҳада содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши тақозо этади.

Статистик маълумотларга кўра, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) билан 2019 йилда 260 нафар шахсга нисбатан 259 та жиноят ишлари кўрилган бўлса, 2020 йилнинг 11 ойи давомида 225 нафар шахсга нисбатан 225 та жиноят ишлари кўриб ҳал қилинган.

Мазкур тоифадаги жиноятлар (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) гарчи эҳтиётсизлик натижасида содир қилинса-да, йўлларда бахтсиз ҳодисалар юз бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолиши ҳамда жабрланувчининг оиласи оғир аҳволга тушиб қолиши сабабли судлар томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўришда алоҳида ёндашув талаб қилинади.

Судлар ушбу тоифадаги жиноят ишларини кўришда судланувчининг ҳаракатларини тўғри малакалаш, жабрланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ваколатли давлат идоралари ва кенг жамоатчиликни юз берган ҳолатга эътиборини жалб қилиш масалалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси нормаларини тўғри қўллаш билиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда мамлакатимизда транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича етарли ҳуқуқий база яратилган.

Бу борада судлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2015 йил 26 июндаги 10-сонли қарори муҳим норматив ҳужжат ҳисобланади. Мазкур қарор транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш борасида содир этилаётган жиноятларга қарши самарали курашиш, жиноятларни олдини олишда судлар томонидан фойдаланиладиган кенг камровли ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасида транспорт ҳаракатининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилганлиги, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига оид атамалар ва транспорт турларига шарҳлар берилганлиги, жиноятларнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонини ифодаловчи белгилар, тушунчалар мавжудлиги, шунингдек жиноятларни бир-биридан фарқлаш, уларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашга оид тушунтиришлар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Амалдаги қонунчилик талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти сифатида ҳайдовчилик гувоҳномасига эга, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган, тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, умуман транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга

бўлмаган, кўш бошқарувли ўқув (машк) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахслар топилиши мумкин.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлганлигини аниқлаш муҳимдир.

Йўл ҳаракати қоидалари икки ёки ундан ортиқ йўл ҳаракати иштирокчиси томонидан бузилган ҳолларда, Жиноят кодексининг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик фақат транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари юқоридаги моддада кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлган ҳайдовчидагина келиб чиқади, транспорт воситасини бошқариш борасидаги ҳаракатлари келиб чиққан оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлмаган бошқа ҳайдовчи эса йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим.

Шунингдек, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига, хусусан унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Бу бир томондан, айбдор, унинг ҳимоячиси ёки яқин қариндошларида йўл-транспорт ҳодисаси натижасида юзага келган салбий

оқибатлар бартараф этилган тақдирда айбдорга нисбатан енгиллик берилиши мумкинлиги ҳиссини туғдирса, иккинчи томондан, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ортиқча овозагарчиликларсиз, тез кунларда тикланишига хизмат қилади ва пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсатига мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ташкилот, корхона, муассасаларда хизмат вазифаларини бажаришга виждонсиз муносабатда бўлиш, транспорт воситаларининг қониқарсиз аҳволи, меҳнат ва ижро интизомини бузиш, автомобиль йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидаларини бузиш каби жиноят содир этилишига имкон яратиб берган ҳоллар аниқланганда, судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслари эътиборини шу ҳолатларга қаратишлари, шунингдек иш бўйича автомобиль йўллари, кўчалар, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини сақлаш қоидалари кўпол бузилиши, яъни йўлларнинг чўкиши, ер ости иншоотлари люкларининг очиқ қолдирилиши, огоҳлантирувчи белгилар кўйилмаганлиги ҳолатлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқарган йўл-транспорт ҳодисаси учун шароит туғдирган бўлса, судлар мазкур қоидаларга риоя этилишига масъул шахслар ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни прокурорга юборишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш йўлларда бахтсиз ҳодисалар сонини камайтириш – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир.

С. ТОГАНОВ,
Хоразм вилоят суди
жиноят ишлари бўйича судьяси

КРЕДИТ БИЛАН БОҒЛИҚ НАЙРАНГЛАР

Бугун давлат томонидан тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг қўламли имкониятлар яратилган. Бироқ, баъзи тадбиркорларнинг мавжуд имкониятлардан текин бойлик орттириш мақсадини кўзлаши дилни хира қилади. Бир кредит низосига оид ҳолатлар бунинг исботидир.

Маълум бўлишича, «BV COR MAKS TRADING» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) фуқаро М. К.нинг (*исм-фамилиялар ўзгартирилган*) ягона таъсисчилигида 100 фоиз улуш билан ташкил қилинган. У МЧЖнинг расмий раҳбари бўлса-да, ишончнома асосида ўз турмуш ўртоғи Л. У.га МЧЖ фаолиятини юритишга ваколат берган. Бироқ, «уддабурон» тадбиркорлар банкдан кредит олиб, ундан фойдаланганлик учун фоиз суммаларини қайтармасликнинг йўл-йўригини топгандек кўринади.

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Тўқимачилик филиали ва МЧЖ ўртасида 2018 йил 24 августда 1015-сонли кредит шартномаси тузилиб, унга кўра банк томонидан МЧЖга паррандачиликни ташкил қилиш мақсадида 3 йил муддатга йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан 790 000 000 сўм миқдоридан кредит ажратиш, МЧЖ эса кредит ва унга ҳисобланган фоизларини белгиланган муддатларда қайтариш мажбуриятини зиммасига олган. Кредит таъминоти сифатида 2018 йил 24 августдаги кафилик шартномасига кўра «CONTINENT IMPEX» МЧЖнинг кафилиги тақдим этилган ҳамда 2018 йил 25 августдаги ипотека шартномасига асосан фуқаро Р. Ю.га тегишли кўчмас мулклар гаровга қўйилган. Кредит шартномасини имзолаш жараёнида банк ходимларининг эътиборсизлиги ёки «шерик»лиги оқибатими, МЧЖ номидан унинг раҳбари М. К. шахсан имзолаши лозим бўлса-да, қонун талабига зид равишда унинг имзосини Л. У. қўйган. Кейинчалик мазкур қонунбузилишни рўқач қилиб, тузил-

ган кредит шартномасини ҳақиқий эмас ёки ноқонуний деб топиш орқали мажбуриятни бекор қилиш мақсад қилинган бўлса, ажаб эмас.

Кредит шартномасига асосан банк МЧЖга 790 000 000 сўм кредит ажратган. Бироқ, банк томонидан ўтказилган мониторинг жараёнида «тадбиркорлар» МЧЖ номига олинган кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланган. Шу сабабли, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси банк манфаатида фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан ва кафилдан 2019 йил 23 июль ҳолатидаги 492 371 540 сўм кредит асосий қарзини ундиришни ва ундирувни фуқаро номида бўлган гаров мулкига қаратишни сўраган. Суднинг 2019 йил 12 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Табиийки, кейинчалик МЧЖ иш юритувчиси фуқаро Л. У.га нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тайинланган экспертиза хулосасига кўра, 2018 йил 24 августда 1015-сонли кредит шартномасида МЧЖ раҳбари М. К.нинг имзоси сохталаштирилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Л. У.нинг жиноят ишлари бўйича туман суди ҳукми билан айбдорлиги ҳам исботланган.

М. К. ва унинг турмуш ўртоғи Л. У. бу ҳолат уларнинг манфаатига ишлашига ишонган ҳолда МЧЖ номидан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Тўқимачилик филиали ва Л. У.га нисбатан тарафлар ўртасида 2018 йил 24 август куни тузилган 1015-сонли кредит шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий суди дастлаб мазкур низони ҳал қилишда иш ҳужжатларини тўлиқ ўрганмасдан ва низони ҳал этиш учун

муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, экспертиза хулосасига асосан даъво талабидаги низоли 2018 йил 24 август куни тузилган 1015-сонли кредит шартномасида МЧЖ раҳбари М. К.нинг имзоси сохталаштирилганлигини асос қилиб, ФКнинг 116-моддасига кўра мазкур шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Фуқаролик кодексининг 132-моддасида белгиланишича, вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Битим тузишга ваколат берган шахс томонидан битимнинг кейинчалик маъқулланиши уни тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий битимга айлантиради.

Бинобарин, судлов ҳайъати томонидан аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра, МЧЖ раҳбари томонидан кредит шартномасини шахсан имзоламаган бўлса-да, бироқ мазкур кредит шартномасининг маъқулланган ва ижрога қабул қилинганлигини тасдиқловчи бир нечта далиллар мажмуи билан исботланди. Хусусан, кредит шартномаси таъминоти бўйича тузилган туман 3-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 2018 йил 25 августдаги ипотека шартномаси кредит олувчи тараф – МЧЖ раҳбари томонидан шахсан имзоланган. Шунингдек, МЧЖ раҳбари томонидан кредит шартномасига асосан кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича МЧЖ номидан «G`ijduvon Tomorqa xizmati» МЧЖ ва «Buy Sell Trading» МЧЖ ўртасида товуқ (парранда) ва паррандачилик ускунасини сотиб олиш ҳақидаги 2018 йил 30 июлдаги 249-сонли ва 2018 йил 30 июлдаги 06/07-сонли шартномалар имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган. Бундан ташқари, иш ҳужжатларидаги банк томонидан ажратилган кредит маблағлари мақсадли ишла-

тилиши бўйича ўтказилган мониторинглар бўйича 2019 йил 7 январдаги, 12 мартдаги ва 20 ноябрдаги тузилган далолатномалар ҳам МЧЖ раҳбари томонидан эътирозсиз имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган. Қолаверса, МЧЖ раҳбари томонидан имзоланган 2018 йил 1 мартдаги 2-сонли ишончномага асосан вакил сифатида фуқаро Л. У.га МЧЖ раҳбари номидан шартномалар тузиш, ҳисобварақ-фактуралар ёзиш ва имзо қўйиш, битим ва далолатномалар тузиш, суд ва суд мажлисларида қатнашиш, ҳокимият, нотариус, кадастр ва банк ишларида тўлов топшириқномаларига имзо қўйиш ваколати берилган. Мазкур ишончномага кўра, МЧЖ раҳбарининг вакилга шартномаларни, хусусан кредит шартномасини имзолаш учун хохиш-иродаси мавжуд бўлган. Демак, МЧЖ раҳбари ипотека шартномасида қайд этилган тарафлар ўртасидаги 2018 йил 24 августдаги 1015-сонли кредит шартномасига асосан паррандачиликни ташкил қилиш учун 790 000 000 сўмлик кредит маблағлари ажратилаётганлик ҳолатларидан бевосита хабардор бўлган ва банк билан МЧЖ ўртасида кредит шартномаси тузиб, кредит олишни мақсад қилган. Кредитни қайтариш муддати келганда эса қонун талабларини четлаб ўтиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинган кўрилади.

Бироқ, қайд этиб ўтилган ҳолатларда кредит шартномаси ҳақиқий битимга айланиши сабабли МЧЖ учун тегишли ҳуқуқ ва мажбурият вужудга келтиради. Бу ҳолатда судлов ҳайъати МЧЖнинг кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги даъво талабини асоссиз, деб ҳисоблади.

Бухоро вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш рад этилди. Банкнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши олди олинди, «тадбиркорлар»нинг найранглари ва ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.

И. ЮЛДАШЕВ,
Бухоро вилоят суди
иқтисодий ишлар
бўйича судьяси

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин. Коррупция сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибadorлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди»¹.

Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси;
- 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси;
- 1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияси;
- 1999 йил 4 ноябрдаги «Коррупция учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенциялари ва бошқалар.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқ-

аро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди.

Фармон билан, Агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширили-

шини таъминлаш, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

- 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ни босқичма-босқич жорий этиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;

- коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш².

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизimini ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек

қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Қайд этиш лозимки, олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2020 йил 4 февралда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизмлари жорий этилганлиги аҳамиятлидир, хусусан бугунги кунда:

– Омбудсманнинг «10-96» ишонч телефони ва виртуал қабулхонаси фаолият юритмоқда;

– фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳамда ходимларнинг бошқа қонунга хилоф ишлари тўғрисидаги мурожаатлари таҳлил қилиниб борилади, уларнинг натижалари одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

– Омбудсман Котибиятига ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, тақиқлар, чекловлар, талаблар ва идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти 3 иш кунидан кечиктирмай тушунтирилади.

– Вакилга коррупция билан боғлиқ бўлган мурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилнинг 6 ой давомида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ Омбудсман томонидан Бош прокуратурага 17 та мурожаат юборилган (2019 йил – 21 та). Ушбу мурожаатлардан 2 таси ўз тасдиғини топган.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси сифатида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган «Коррупцияни қабул қилиш индекси»да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 2017 йилда 157-ўрин, 2018 йилда эса 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 25 балл билан 153-ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди³.

Бундан ташқари, Жаҳон одил судлов лойиҳасининг Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги «Коррупциядан холилик» индикаторида Ўзбекистон 2019 йилда 0,38 балл билан

95-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил бўйича 128 давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаб, 6 поғонага кўтарилганлиги⁴ мамлакатимизда коррупцияга қарши тизимли олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлик ҳолатлари ҳали ҳамон учрамоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017–2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахсларнинг пора олиши билан боғлиқ жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги, 2019 йилнинг дастлабки олти ойида жами 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан коррупция билан боғлиқ 590 та жиноят ишлари кўзғатилганлиги, коррупция жиноятларининг асосан тиббиёт, таълим, давлат хизмати кўрсатиш, хусусан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига лицензия ва рухсат бериш билан боғлиқ соҳаларда⁵ ҳали ҳамон камаймаётганлиги таъкидланадир.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан, Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда «Давлат хизмати тўғрисида»ги, «Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, шунингдек судьяларнинг хатти-ҳаракат меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур нормалар билан давлат хизматчиларининг олиши мумкин бўлган совға ёки ҳадяларнинг аниқ миқдори ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, АҚШ да ушбу миқдор 20 АҚШ доллари, Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт, Россияда 3000 рубл этиб белгиланган, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланади, Сингапурда давлат бошқарувида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг гонорар, займ, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши тақиқланган⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-

ги томонидан юқоридаги хориж тажрибаси вазирлик тизимида жорий қилинган бўлиб, унга кўра ходимларнинг фуқаролар, бошқа ташкилотлар ходимлари, жумладан, турли жойлар ва хорижий мамлакатларга уюштирилаётган хизмат сафарлари давомида совғалар олиши тақиқланди. Хорижий сафарлар давомида олинган совғалар вазирликка ўтказилаётган тартиб жорий қилинди.

Бундан ташқари, бугунги кунда илғор хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш жараёнида қўллаётган усулларида бири давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги харажатларини декларация қилишнинг мажбурий этиб белгиланганлигидир. Бундан кўзланган асосий мақсад мансабдор шахсларнинг ноқонуний даромад олишининг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборатдир. Давлат хизматида ушбу усул бугунги кунда 150 дан ортиқ мамлакатда қўлланилмоқда⁷.

Таъкидлаш жоизки, давлат хизматчиларининг мулкий декларация тизими коррупциянинг олдини олиш, ноқонуний бойиш ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг қудратли воситасидир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг аксариятида активларни декларациялашнинг кенг жамоатчилик учун ошқора тизими йўлга қўйилган. Коррупцияга қарши амалдаги халқаро стандартлар, жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда давлат хизматчилари томонидан активларнинг эълон қилиниши коррупцияга қарши самарали восита экани эътироф этилган.

Дания тажрибасига кўра, 2002 йилда қабул қилинган «Коррупция тўғрисида»ги Дания Қонуни коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлигини белгиловчи, таъсирчан огоҳлантирувчи хусусиятга эга бўлган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Хусусан, ушбу Қонуннинг қоидалари Дания ҳуқуқати вакилларини ҳар йили ўз мол-мулки ва шахсий даромадлари тўғрисидаги маълумотларни нашр этишга, хорижий компанияларда акцияларга эга бўлишни тақиқлашга мажбур қилади, бу улар-

нинг бошқарув фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлигини, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Коррупциянинг олдини олишнинг муҳим омили шундаки, мамлакатда давлат хизматчилари юқори даражадаги ижтимоий муҳофазага эга: улар бепул тиббий хизмат ва таълим олиш ҳуқуқига ва ижтимоий кафолатларга таянишлари мумкин, бу эса коррупцион ҳаракатлар эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

Бундан ташқари, Финляндияда Молия вазирлиги давлат хизматчилари ахлоқининг асосий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланиши билан характерлидир. Молия вазирлиги ҳукумат амалдорлари учун имтиёзлар ва совғаларни бериш ва олиш тартибини белгилайди, шунингдек давлат хизматчилари даромадларини текшириш ваколатига ҳам эга. Финляндия миллий тафтиш бюроси (НАОФ) эса, мамлакатда коррупцияни олдини олиш мақсадида йилда икки маротаба марказий ҳукумат молиясини текширади, солиқ сиёсатини назорат қилади ва сиёсий партиялар ва сайлов компаниясини молиялаштиришни назорат қилади.

Юқоридаги таҳлиллар коррупцияга қарши курашиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб,

муҳокама қилинаётган бўлса-да, ҳали-ҳамон мазкур қонун қабул қилинганича йўқ. Шу сабабдан «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонунни, шунингдек давлат хизматчиларининг Ахлоқ кодексини қабул қилиш, мазкур нормаларда давлат хизматчиларининг ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида амал қилиши лозим бўлган ҳамда коррупцияни вужудга келишига имкон яратиб берувчи сабаб ва шарт-шароитларни олдини олишга қаратилган меъёрлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, халқаро ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги харажатларини декларация қилишни тартибга солувчи нормаларни миллий қонунчилик тизимига имплементация қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида, мансабдор шахсларнинг мол-мулкидаги ўзгаришларни мунтазам равишда кузатиш имкониятини беради, декларацияларнинг оммавийлиги, яъни жамоатчилик учун очиқлиги эса, уларнинг коррупцияга қарши курашишдаги аҳамиятини янада ошириши шубҳасиздир.

Ш. КУЛТУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили (омбудсман) Котибияти
Етакчи маслаҳатчиси

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. <https://www.press.uz/>. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий веб-сайти.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020-й., 06/20/6013/1002-сон.

³<https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>.

⁴<https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan>.

⁵Бош прокуратура коррупция етказган зарар миқдорини маълум қилди. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/07/31/corruption/>.

⁶Б.Исмоилов., Ф.Ўлдашов. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/oz/posts/>.

⁷Б.Исмоилов., У.Абдурахмонов. Таъсирчан жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашишда қай даражада муҳим? <https://uza.uz/oz/posts/>.

АЛИШЕР НАВОИЙ – ҲУҚУҚШУНОС

2021 йил 9 февраль куни буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллуд топганига роппа-роса 580 йил тўлди. Бир қарашда олис тарихнинг қарийб олти асрлик кўз илғамас баланд девори улуғ аждодимиз билан бугунги авлодлар орасини тўсиб, бизни бир-биримиздан узоқлаштириб тургандек гўё.

Навоий асарларини ўқиб-ўрганиш жараёнида Ҳазрат ишлатган ва бугунги кунда маъносини англаб олиш учун изоҳли луғатлар талаб этиладиган эскирган сўз, ибора ҳамда тушунчаларга дуч келганимизда, баъзан Навоийни – ўзимизга ва ўзимизни – Навоийга худди бегонадек ҳис этишимиз ҳам бор гап.

Аммо, даҳо шоир асарларининг маъзини қақиб, асл моҳияти ва аҳамиятини тушуниб борганимиз сари Навоийнинг кимлиги-ю, ўзимизнинг кимлигимизни ҳар гал қайтадан кашф этаверамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Чиндан ҳам, Навоий асарларининг маъно-мазмунини англаб етар эканмиз, бу борадаги илк юзаки тасаввурларимиз аста-секин ўзгаради. Навоий ўз жамиятининг илғор вакили, давлат ишларининг жонқуяри, ҳалол ҳуқуқшунос ва қонун ижодкори сифатида иш олиб борганига амин бўламиз.

Ҳаттоки, салкам олти юз йиллик тарих

девори орамиздан кўтарилиб, Ҳазратни ўзимизга қарийб замондошдек қабул қила бошлаймиз. Бу бежиз эмас.

Чунки, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини, ҳуқуқ ва адолатнинг маъно-моҳиятини Алишер Навоийдек теран ифода этган ижодкор жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Ҳазрат Навоийнинг тарих ва башарият олимпиадаги улуғ хизматларидан бири шундаки, ул зот адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарган ҳамда одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтган.

Ушбу фикрларнинг тасдиғи учун Навоий асарларида қўлланилган ҳуқуқ соҳасига тааллуқли 3 та тушунчанинг маъно-мазмунини мухтасар таҳлил этиб кўрайлик.

Биринчи тушунча – фикҳ. «Фикҳ» сўзи «ҳуқуқ» деган маънони англатади.

Иккинчи тушунча – фақих. Бу сўз «фикҳни билладиган мутахассис», яъни «ҳуқуқшунос» деган маънони беради.

Ҳазрат Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асарида фикҳ (ҳуқуқ) ва фақих (ҳуқуқшунос) кадр-қиммати улуғланган шундай мисралар бор:

**Қолгон киши касби илмдин захмат аро,
Фикҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фикҳда**

бил нисбат аро –

Ким сарвар эрур фақих бу уммат аро.

Мазмуни: ушбу мисраларда шоир ҳар бир кишининг фикҳни – ҳуқуқни ўрганиши мақбул эканини уқтирмақда. Чунки, фикҳ илмлар ичда шарафлиси, фақих – ҳуқуқшунос эса жамиятнинг сарвари, демакки энг етук вакилидир.

Ушбу рубоийнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари ҳақида

қисқача тўхталиш лозим. Маълумки, бу асар – насрий усулда ёзилган муқаддима ва Ҳазрати Али томонидан айtilган 255 та (айрим тадқиқотчиларга кўра – 268 та) арабча ўғитнинг туркий тилдаги талқинларидан иборат.

Навоий ушбу ўғитлардан ҳар бирининг қанчалик асосли эканини Қуръони карим суралари ва Ҳадиси шарифлардан келтирилган парчалар билан исботлаб берган. Шу билан бирга, уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун тўрт мисраси ҳам қофиядош – таронайи рубойи вазнида шеърга солган.

Шу ўринда «Назм ул-жавоҳир» асари ўзига хос тузилишга эга эканини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда фикр юритганда, даставвал, Ҳазрат Алининг араб тилидаги муайян фалсафий ўғити келтирилиб, сўнг эса унга туркий тилда рубойи шаклидаги талқин берилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Алишер Навоий ўғит ва ҳикматларнинг тўғридан-тўғри таржимасини бериш билан чекланиб қолмаган. Аксинча, айнаи ўша ҳикматнинг мазмун-моҳиятига алоҳида рубойи бағишлаб, бадий жиҳатдан бойитилган ўз фикрларини тақдим этган. Масалан, юқоридаги рубойи «Назм ул-жавоҳир» асарида 109-рақам билан келган ва у «Содат ул-уммат ил-фуқаҳоъу», яъни «**Фикҳ уламолари – халқ сарваридирлар**», деган ҳикматнинг туркий назмдаги талқини ҳисобланади.

Мана шу биргина рубойи мисолида ҳам Алишер Навоий яшаган даврда, қолаверса, янада олис тархимизда аждоқларимиз ҳуқуқ илми ва ҳуқуқшунослик касбини нечоғлик улуғлаганига яққол гувоҳ бўлиб турибмиз. Демакки, ота-боболаримиз азалдан ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишган ва муносиб кадрлашган, ҳуқуқни ўргатиш ҳамда ўрганишни эса астойдил рағбатлантиришган.

Бугунги кун ибораси билан айтганда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи эл-юртимизда доимо эътиборда бўлиб келган. Ўз навбатида, ҳуқуқий маданият – бу қонунларимизда ифодасини топган, яъни бизга берилган шунча ҳуқуқлардан имкон қадар кўп фойдаланиш даражаси деганидир.

Шу маънода, истиқлол йилларида халқи-

миз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, Юртбошимиз алоҳида қайд этганидек, маънавиятни юксалтириш соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларни ҳуқуқий майдонда амалга ошириш лозим. Хусусан, ёшлар онгу тафаккурини химоя қилиш учун бевосита қонунчилик асосида иш кўришимиз керак. Токи маънавий тарбия билан маънавий-ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро узвийлиги таъминлансин.

Ҳозирги кунда биз Мир Алишер Навоийни улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, илм-фан ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси, саховатпеша зот, авлиёлар авлиёси сифатида яхши биламиз ҳамда юксак қадрлаймиз. Ҳазрат ҳаёти ва фаолиятининг айнаи шу жиҳатларини атрофлича чуқур ўрганаётганимиз ҳам бежиз эмас.

Навоий серқирра ҳаётининг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, ул зотнинг фақиҳлиги, яъни фикҳ илми билимдон эканидир. Тарихий манбаларга қараганда, Алишер Навоий Самарқандда машҳур фақиҳ Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурда фикҳ илмидан сабоқ олган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «**Мажолисун-нафоис**» асарида шундай ёзади: «**Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар**».

Мана бу байт Навоийнинг мазкур соҳага муносабатини, айтиш мумкинки, ғоят талабчан ва холис ёндашувини ўзида акс эттирган:

**Фикҳро чун иллати макру хиял созад фақиҳ,
Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фикҳ
андар аст.**

Мазмуни: агар фақиҳ (яъни, ҳуқуқшунос) фикҳ (ҳуқуқшунослик фани)ни макру хияла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фикҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Алишер Навоийнинг фикрича, ҳуқуқшунослар нафақат билимли ва ишчан, айнаи пайтда ҳақгўй ва ҳалол ҳам бўлишлари керак. Содда қилиб айтганда, Навоий ҳазратлари ҳам ҳуқуқшуносларнинг таъмағирлик, порахўрлик ва коррупциядан холи бўлиши шарт эканига доир қатъий талабни давлат ва жамият ривожини учун муҳим, деб ҳисоблаган.

Алишер Навоий фикҳ бобидаги билим ва тажрибасини нафақат асарларида, балки давлат арбоби сифатида амалий фаолиятида ҳам изчил қўллаган. Бунга бир мисол. Навоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлардан маълумки, у зот 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилган.

Таниқли муаррих Мирхонднинг ёзишича, «Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фароғат ва осудаликка эришдилар».

Шу маънода, Навоийнинг фикҳ илмидан, адлу адолат, одиллик, халқпарварлик, бугунги давр тили билан айтганда, ҳуқуқшунослик, қонунчилик, одил судлов соҳаларидан чуқур хабардор бўлгани, бу борадаги ҳуқуқий билим ва тажрибасидан ижод ҳамда амалиётда атрофлича фойдалангани айни чоғда бир қадар эътиборимиздан четда қолаётгандек, назаримизда.

Учинчи тушунча – адл, адолат. Алишер Навоий «адолат», «адл» тушунчалари ҳақида, демакки, «**Ҳуқуқий давлат**», «**адолатли жамият**», «**фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари**» хусусида нималар деган?

Навоий асарларини мутолаа қилиш асносида, фикҳий атамалар улуғ шоир томонидан жуда кенг маъноларда, айни вақтда, ниҳоятда аниқ ва жуда нуктадонлик билан қўлланганини кўриш мумкин.

Масалан, Навоий «**адл**» сўзини адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, инсоф тушунчаларини англантиш учун ишлатса, ўз навбатида, «адолат» сўзини ҳаққоният, инсофлилик, шафқатлилик, одиллик маъноларида қўллаган.

Эътибор қилинг: ушбу тушунчалар бугунги кунда адолат ва юксак инсонпарварлик негизида тубдан ислоҳ этилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти билан том маънода

уйғун ва ҳамоҳанг эзгу тамойиллардир!

**Зинҳорки, зулм риштасини уз,
Инсоф ила адл қасрини туз.**

Мазмуни: Алишер Навоийнинг ушбу мисралари Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган: «Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак», деган гоя билан ниҳоятда уйғун ва ҳамоҳанг.

Алишер Навоийнинг куйидаги рубоийсини ўқиб, бундан қарийб олти юз йил илгари буюк бобокалонимиз ҳам адолатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида худдики бугунги куннинг фаол фуқаролари сингари фикр юритганига гувоҳ бўламиз:

**Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул киши ким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.**

Мазмуни: Адолат айлаки, ул халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳуқмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳуқмронлик ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Навоий ҳазратларининг мана бу ҳикмати, фикримизча, юқоридаги мулоҳазаларни яна бир бор тасдиқлайди:

**Адолат қилурнинг тониб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин.**

Мазмуни: Мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душиманга қарши мудофаа қуролини кучайтирсин.

Алишер Навоийнинг «**Ҳазойинул-маоний**» асарида, бошқа асарларидаги каби, «**адл**» сўзи ишлатилган мисралар кўп. Хусусан:

«**адл уйи**» – адолат, ҳаққонийлик ўрнига қўйилган жой;

«**адл бўстони**» – адолат боғи, адолатнинг гуллаб-яшнаши;

«**адл эшиги**» – адолат, мурувват қилишга киришиш;

«**адл қуёши**» – одиллик, адолатпешаликнинг порлоқ анъанаси;

«**адл қонуни**» – адолат кўрсатмалари;

«**адл тариқи**» – адолат йўл-йўриғи;

«**адл занжири**» – адолат силсиласи;

«**адл аёғи**» – мурувват жоми; яхшилиқ; марҳамат, ҳаққонийлик нашъаси;

«**адл авзони**» – ҳақиқат ўлчови, мезони;

«адл жўйбори» – адолат қарор топиши, инсоф билан иш тутилиши;

«адл бунёди» – адолатни тиклаш, ҳаққонийликни таъминлаш, одилона иш тутиш;

«адл бозуси» – адолат қўли, ирода;

«адл амри» – одиллик йўл-йўриғи; одиллик кўрсатмаси;

«анжоми адл» – адолат натижаси;

«адл аҳли» – адолатчилар, одиллар иборалари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий қўлаган «адолат» тушунчаси билан боғлиқ сўз бирикмалари ҳам эътибор ва эътирофга сазовор. Навоийнинг наздида:

«адолат авжи» – адолат осмони, адолатнинг яшноқ чўққиси;

«адолат жаҳони» – одиллик дунёси, адолат даври;

«адолат олами» – инсоф, раҳмдиллик дунёси;

«адолат партави» – адолат нури, шуъласи, ёлқини;

«адолат чамани» – адолатнинг барқ урган пайти;

«адолат ҳавоси» – инсоф йўл-йўриғи;

«адолат сипехри» – адолат осмони, яъни юксак одиллик, деган теран маъноларни англатади.

«адл» ва «адолат» сўзлари билан уйкаш яна бир калом борки, бу – «одил», «одиллик». Навоий бу сўзни ҳам адолатли, инсофли, шунингдек тўғри ҳал қилувчи, деган маъноларда қўллайди. Масалан, «Тарихи мулки ажам» асарида шундай байт мавжуд:

Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,

Чу қолмас на золим, на одил киши.

Одатда, Навоий ўз асарларида ҳар бир сўзнинг ранг-баранг синонимларидан унумли фойдаланган. Шу жумладан, айрим ўринларда «одил» сўзининг уйкаши сифатида «Додгар» сўзини ишлатган. «**Ҳайрат ул-аброр**» достонидан қуйидаги парча бунга мисол:

Арз қилиб барчани шоҳ оллида,

Додгари мулк паноҳ оллида.

Кўриниб турганидек, «додгар» – адолатли, одил, арз тингловчи деган маъноларни ташимокда. Ўз навбатида, бу сўз билан ўзакдош бўлган «додгарлик» – адолатли-

лик, одиллик, адолатпешалик, шунингдек шоҳлик маъноларини беради.

«Додхоҳ» сўзи – зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар, бундан ташқари, арз тингловчи деган мазмунда ҳам келади. «**Садди Искандарий**» достонидан байт:

Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ,

Ки ўз додин истар эди додхоҳ.

Шу билан бирга, Алишер Навоий ижодида адл, адолат, одил сўзлари ишлатилмаган ҳолда, бу тушунчаларнинг моҳияти яққол очиб берилган мисралар ҳам кўп. Жумладан, Навоий шундай ҳикмат айтган:

Бировгаким, бировдан етди офот,

Ҳамонким қатигроқдур мукофот.

Мазмуни: Бировга зарар етказган (адолатсизлик қилган) киши у кишидан (яъни, адолатсизлик жабр етказган одамдан) ҳам кўра қаттиқроқ зарар кўради.

Хулоса ўрнида яна бир бор Алишер Навоий ижодига мурожаат қиламиз:

Нечукким, эрур адл шахларга зеб,

Эрур ҳам гадо, хокрахларга зеб.

Шаҳеким, адолатдур онинг иши,

Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

Яъни, Навоий айтмоқчики, адолат нафақат шоҳлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатни шиор қилган шоҳга бошқа бирон-бир шоҳ тенглашолмайди.

Навоий ҳазратларининг ҳозирги ворислари – олис мозийдан салкам олти аср берида туриб бой тарихимиз, саодатли бугунимиз ва ёруғ келажагимиз суруридан баҳраманд яшаётган Истиқлол даври авлоди таъбири билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида белгиланганидек, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».

Акмал САИДОВ,
академик

СОХТА «ТАБИБ»НИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Юлдуз туни билан танасидаги оғриқ азобидан инграб чикди. Ўнг томонига ҳам, чап томонига ҳам ёнбошлаб ётолмайди. Фақат юқорига қараб ётса жони бироз ором олади. Мана уч кундирки шифтга қараб ҳам ётолмай қолди. Чап кўкрагидаги оғриқ борган сайин кучайиб бораверди.

– Дадаси, бу кетишда яқинда ўлиб қоламан, тумандаги шифокорларни муолажаларини фойдаси бўлмади. Мени Тошкентга олиб боринг. Қўшни қишлоқдаги Жамила опанинг келинигаям кўкрак беги саратони ташхисини қўйишган экан. Тошкентга бориб операция қилдирибди, «нур» (химия терапия) олган экан тузалиб қолибди. Мениям онкология марказига олиб боринг, вой жоним-эй.

– Хўп, аяси эртагаёқ олиб бораман, ҳозир ухлашга ҳаракат қил, жуда чарчаганман. Зойиржон ширин уйкусида хотинига ваъда бериб юборди.

Эрининг сўзларини эшитган Юлдуз ҳозирок операция бўладигану тузаладигандек ҳис этди ўзини. Хаёлан шифохонада юргани, операция столига ётгани-ю дарддан халос бўлганини ўйлаб, бироз оғриқни унутди. Эрталаб хўроз қичқирмасидан олдин уйғониб (аслида ухламаган эди) пойтахтга кетиш учун нарсаларини тайёрлай бошлади. Бир неча уринишдан сўнг Зойирни уйғотиб машина гаплашишга кўндирди. Болаларининг хонасига кириб, стол устига пул ва бир парча қоғозга хат қолдирди.

«Абдоржон болам, даданг билан Тошкентга кетдик, тезда қайтамиз, укаларингга яхшилаб қарагин, Гулчехра келинойингга айтдим, сигирни соғиб беради. Сути ачиб қолмасидан дўконга топшириб кел».

Юлдуз ҳар доим Тошкентга боришни орзу қиларди. Болалигида пойтахтга борган дугоналарига хавас билан боқарди. Мана 32

ёшга етганида у ҳам орзусига эришадиган бўлди. Аммо, у орзуси ушалаётганидан хурсанд эмас, кўркувда. Уни пойтахтга қутулиб бўлмас балою дард бошлаб кетяпти. Қамчиқ довонидан ўтаркан унга жудаям яқин турган тоғларни кўриб ўзини жудаям кучсиз, ожиз сезди. «Хавфли бурилиш», деб ёзилган жойдаги тоғни худди кимдир кўтариб тургандек, салгина кимирласа Юлдузни бошига ағдарилиб тушаётгандек. Атрофни томоша қилиб хаёлларга берилиб, пойтахтга етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Уни текширувдан ўтказган профессор Аҳад Даминович саратоннинг хавфли босқичига ўтишга бир қадам қолганини, вақтида химия терапия олинса, касаллик илдизи куришини дона-дона қилиб тушунтирди. Фарғонага бориб йўлланма олиб келса, уни Республика онкология илмий-текшириш институтига жойлашини ва у ерда муолажаларни бошлашини айтди.

– Биз уйга бориб, ота-онам билан маслаҳатлашиб, икки-уч кунда албатта қайтиб келамиз, – деди Зойир Аҳад Даминовични ишонтириб.

Ҳозирги ҳолатда Юлдузга иккала кўкрагини кесиб ташлашадими йўқми қизиғи йўқ, фақат у оғриқдан тезроқ қутулса бўлгани, ҳа, ҳа, жудаям тезроқ.

Зойир бўлган гапларни онасига айтди. Нодира опанинг фиғони фалакка чикди.

– Ҳозирги докторларга кесиш бўлса, айтишга осон, пойтахтга бормайсизлар, Бухорода зўр табиб бор деб эшитдим. Суриштириб манзилини билиб бераман, ўша ерга борасизлар. Шифокорлар Карима холангни ўғлини жигарини курияпти, эрта-индин ўлади деган экан, ана ўша табибга бориб даволашиб келди, бинойидек юрибди.

Нодира опа бухоролик Садриддин табибни рақамини топиб, Зойирга берди. Юлдуз-

нинг қаршилигига қарамай Зойир хотинини олиб Бухорои шарифга йўл олди. Садриддин табибнинг уйи олдидаги одамларни кўриб, «онам тўғри айтган экан, зўр табибга ўхшайди», деди Зойир хотинига мамнун жилмайиб. Юлдузнинг қалбида ҳам умид учқуни пайдо бўлди. Садриддин табибнинг уйи худди зиёратгоҳга ўхшайди. Бу ерга келган беморлар табибни илоҳий кучга эга, беморлардан бир сўм ҳам пул олмайди дейишгач, Зойирнинг ишончи янаям мустаҳкамланди. Табибнинг ҳовлиси жуда катта бўлиб, бир четига ошхона ҳамда ётоқхона ҳам қурилган. Унинг оила аъзолари, яъни хотини, фарзандлари беморларга хизмат кўрсатишади. Табибнинг хизмати бепул бўлгани билан кунлик ётоқ пулли, озиқ-овқатга ҳам анча-мунчагина маблағ тўлашга тўғри келиб қоларкан. Табибнинг калласи жуда зўр ишларкан-да. «Консультация»ни бепул қилиб, уйдаги хизмат турларини икки баробар нархга ошириб қўйган. Содда одамлар буни фарқига бормай халқ хизматини бепул қилаётган табибнинг рекламасини роса ошириб беришарди.

Зойир билан Юлдуз Садриддин табибникида ўн кун яшаб, муолажа олишди. Табибнинг хотини ҳар куни Юлдузга қандайдир дамламалар берди. Биринчи куни Юлдуз оғриқни унутгандек бўлди. Аммо, дамламаларнинг фойдасини заррача сезмади. Зойир пули тугагач, хотинини олиб қишлоққа қайтди.

– Бир ойдан кейин келсангиз муолажанинг иккинчи қисмини бошлайман. Бу сафар енгилроқ дорилар бердим, кейинги сафар кучли дамламалардан бераман, худо хоҳласа келин бу дардни кўрмагандек бўлиб кетади, – деди табиб Зойирнинг кўлини қафтлари орасига сиқиб.

Юлдузнинг баданидаги оғриқ кучайса кучайдики заррача дамламаларнинг фойдасини сезмади. «Жон дадаси, пойтахтга олиб боринг мени, бу табибдан даво топмадим, пулимиз кетгани қоляпти», дея эрига ялиниб-ёлворди. Аммо, Зойир онасининг гапини икки қилолмасди. Ахир ўзи ҳам Юлдузнинг иккала кўкраги кесиб ташланишини истамасди, аммо буни хотинига айтолмасди.

Бу орада Садриддин табиб ҳам худди ҳол-

аҳвол сўрагандек бўлиб Зойирга икки уч марта кўнғироқ қилиб тезроқ Бухорога келишларини, акс ҳолда касаллик зўрайиб кетишини таъкидлади.

Зойир кўрасидаги новвосини сотиб, хотини учун нажот истаб яна Бухорога йўл олди. Шу зайлда Садриддиннинг уйига қатнаб, бор мол-мулкидан ажралди. Юлдузни борган сайин мадори қуриб, ҳолсизланиб, жонсизланиб бораверди. Табибнинг дамламаларини бирортаси дардига даво бўлмади. Куз ойининг охирларига келиб Юлдуз омонатини топширди. Кўзлари бу дунёга тўймай, болаларини кўзлари қиймай, жон таслим қилди. Юлдузнинг ўлими кўпроқ фарзандларига таъсир қилди, уларнинг қаддини эгди. На қайнонаси, на эри ачинмади. Ахир қизига ачинадиган онаизори ҳам икки йил олдин омонатини топширган. Мана Юлдуз ҳам оғриқлардан қутулиб, жони ором олиб, онасининг ёнига кетди.

Садриддин табибнинг ёнига даво истаб келган беморларнинг аксарияти ундан шифо топмагани фош бўлди. Хайриятки, содда одамларнинг кўзларини очиб қўядиганлар топилди. Марғилонлик бир аёлнинг аризасига кўра ички ишлар ходимлари Садриддин «табиб»ни сохта даво усулларини фош этишди. Табибнинг ҳеч қандай сеҳрли кучга эга эмаслиги, табобатдан мутлақо хабари йўқ фирибгарлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида, тегишли жарима ҳамда саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. «Сохта табиб» ўз ортидан хотини ва иккита фарзандини ҳам панжара ортига тортиб кетди. Отанинг йўлидан борган фарзандлар ҳам жавобгарликка тортилди.

Хулоса шуки, оддий бир одамнинг пул топиш илинжидаги найрангларига ишонган кўплаб содда одамлар ҳам соғлиғидан, ҳам маблағидан ажралиб қолди.

А. ШАЙДОЕВ,
Бухоро вилоят суди жиноят
ишлари бўйича судьяси,

Н. РАҲМОНОВА,
журналист

ҚАДИМГИ РИМ ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Ривоятларга кўра, лотин қабиласидан бўлган ҳукмдор Амулий ўз жияни Рея Сильвиянинг янги туғилган эгизак ўғиллари Ромул ва Ремлар катта бўлишганида ҳукмронликни мендан тортиб оладилар деб хавфсираб, уларни дарёга чўктиришни буюрган. Лекин, мўъжиза юз бериб оқим болаларни дарёнинг саёз жойига чиқариб ташлаган ва болалар омон қолишган. Болаларнинг йиғи овозини шу орада яшовчи она бўри эшитиб қолиб, уларни ҳар куни ўз сути билан эмизиб юрган. Буни кўриб қолган бир чўпон болаларни уйига олиб келган ва аёли билан уларни асраб, худди ўз боласидай тарбиялаб катта қилишган.

Оға-инилар катта бўлишиб, ўз юртига қайтиб келишганидан кейин Амулийдан қасд олишган. Ҳукмронликни ундан болалари Нумиторга олиб беришиб, ўзлари шу ерда – уларни она бўри кутқарган Тибр дарёси бўйида шаҳар қуришга аҳд қилишган. Қурилиш бораётган пайтда оға-ини ўртасида низо чиқиб, Ромул Ремни ўлдириб қўйган. Лекин, бу Ромулга шаҳар қурилишини охирига етказишга ва уни ўз номи билан аташга (Рим лотинча Рома деб айтилади) халақит бермаган. Рим шаҳри барпо қилинган кун, милоддан аввалги 753 йилнинг 21 апрель санаси ҳисобланади.

Римнинг энг қадимги аҳолиси ва уларнинг авлодлари ўзларини патрицийлар деб атаганлар, шаҳарга кейинчалик кўчиб келган аҳоли ҳамда уларнинг авлодлари эса, плебейлар деб аталган. Плебейлар Рим фуқароларининг барча бурчларини, хусусан, солиқлар тўлаш, ҳарбий кўшинларда хизмат қилиш ва ҳ.к. бажарсалар ҳам,

улар патрицийлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлмаганлар.

Дастлаб Римни подшоҳлар бошқарганлар. Римга Ромулдан бошлаб ҳаммаси бўлиб еттита шоҳ ҳукмронлик қилган. Подшоҳ саройи қошида патриций оқсоқолларидан тузилган «Оқсоқоллар кенгаши» – сенат мавжуд бўлган. Сенат Римни шоҳлар билан бирга идора қилишда қатнашган. Сенатнинг ҳар бир аъзосини сенатор деб номлаганлар.

Милоддан аввалги 509 йилга келиб Римнинг еттинчи шоҳи Тарквинийни халқ ўта шафқатсизлиги сабабли, оиласи билан бирга шаҳардан қувиб чиқарганлар ва подшо ҳокимиятини ҳам йўқ қилганлар. Римда сайлаб қўйиладиган ҳокимият ўрнатилган. Халқ йиғини подшоҳ ўрнига ҳар йили иккита патрицийни консул қилиб сайлаганлар. Иккаласи ҳам бир хил ҳуқуққа эга бўлган консуллар уруш даврида кўшинларга қўмондонлик қилишган, тинчлик пайтида эса, ижро ҳокимиятининг раҳбарлари ҳисобланишган ва улар ҳар бир ишни сенат билан кенгашиб ҳал қилишган. Римликлар ўзларининг бу идора усулини лотинча «республика» – «умумхалқ иши» деб атаганлар.

Агар давлатга оддий воситалар билан ҳал қилиб бўлмайдиган қандайдир ташқи ёки ички хавф таҳдид қилса, сенат қарорига кўра консулларнинг бири диктатор қилиб тайинланган ва унга барча мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар итоат қилганлар. Диктатор давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лозим деб ҳисоблаган ҳар қандай шахсни жазолаши, ўлимга ҳам ҳукм қилиши мумкин бўлган ва у диктаторлик пайтида қилган ишлари учун дик-

таторликдан тушганидан кейин жавобгарликка тортилмаган. Диктатор олти ойгача бўлган муддатга тайинланган, лекин у ўзига юклатилган масалани эртароқ ҳал қилса, ўз ваколатини муддатидан олдин соқит қилган ва давлат бошқаруви олдингидай давом этаверган.

Милоддан аввалги IV асрнинг охирига келиб қарийб 200 йиллик курашлардан кейин плебейлар ҳам патрицийлар билан тенг ҳуқуқли ҳамда Римдаги барча муҳим магистратураларга (вазифаларга) сайлаш ва сайланишлари мумкин бўлган. Милоддан аввалги III асрнинг бошига келиб Рим янада қудратлироқ бўлиб борган ва у бутун Италияни ишғол қилган. Шундан кейин буюк истилолар даври бошланган, натижада, Рим Европа, Осиё ва Африкадаги кўплаб давлатларни босиб олиб, буюк давлатга айланган. Италия чегарасидан ташқарида жойлашган бу ўлкалар провинциялар деб номланиб, уларни Рим томонидан тайинланадиган ноиблар бошқарганлар. Милоддан аввалги I асрга келиб, кичик давлатларни бошқаришга мўлжалланган республикачилик тизими билан жуда ҳам улкан мамлакатни бошқариш мумкин эмаслиги аён бўла бошлаган. Уч юзта аъзоси бўлган Сенат бир неча ўн зодагон оилаларининг манфаатларини кўзловчи ҳукмронликка айланганлиги, турли мартабадаги ҳукмдорларнинг жабр-у зулмидан нафақат Рим ва Италия аҳолиси, балки барча провинцияларда яшовчи халқ ҳам жафо чекаётганлиги оқибатида одамларнинг амалдаги давлат тизимига нисбатан умумий норозилигини келтириб чиқарган ва Римда юз йилларга чўзилган граждандар уруши бошланиб кетган. Эски тизим тарафдорларига қарши курашда ҳал қилувчи ўрин армияга тегишли бўлган. Шу сабабли, милоддан аввалги 27 йилдан – Октавиан Август давридан бошлаб ҳукмронлик учун курашда ғолиб бўлганни танҳо ҳукмдор – император деб (олдинлари ғолиб лашкарбошилар шундай

деб номланган), давлат номи эса Рим империяси деб атала бошланган. Биринчи Рим императори Октавиан, умрининг охиригача Римнинг диктатори деб эълон қилинган. У машҳур лашкарбоши Гай Юлий Цезарнинг вориси ҳисобланган.

Октавиан Цезарь опасининг невараси бўлган. Унинг қарорига кўра Цезарнинг номи бундан кейин расмий равишда Рим империяси ҳукмдорлари унвонининг бир қисми сифатида айтиладиган бўлган ва шу тариқа Юлий Цезарнинг Рим давлати олдидаги хизматларига ҳурмат билдирилган. (Русча «царь» сўзи ҳам «Цезарь» сўзидан келиб чиққан).

Фаластин ҳудудидаги Яхудия давлати милоддан аввалги I асрда Рим томонидан босиб олинган ва у Рим провинциясига айлантирилган. У даврларда Яхудияга Ирод I подшоҳлик қилган (милоддан аввалги 74 – милодий 4 йиллар). Унинг подшоҳлик қилган пайтида, ҳозирги таквим бўйича милоддан аввалги 1 йилнинг 25 декабрида Вифлеем шаҳрида пайғамбар Исо ибн Марям туғилган.

Исо 30 ёшга етгунича онасининг эри Юсуфга (Иосиф) дурадгорчилик ишларида қарашиб юрган, кейин авлиё Иоанн томонидан чўкинтирилганидан кейин дунё бўйлаб христиан динини тарғиб қилишга кетган. Исо Масих таълимотини халқ ўртасида тарқатишда унинг 12 та энг яқин шогирдлари – ҳаворийлар (апостоллар)нинг хизматлари катта бўлган. Римда христианликни тарғиб қилишда апостол Павел машҳур бўлган. Янги динга оғзаки даъват билан бир қаторда христиан муаллифларининг ёзма асарлари ҳам тарқатила бошланган. Милодий I асрда христиан дини Рим империясининг барча ҳудудларида тарқалган бўлса ҳам, яқка худолик тўғрисидаги бу таълимотни тарқатувчилар кучли таъқибга учраганлар, улар император Нерон даврида ёввойи ҳайвонларга талатилган бўлишса, император Диоклетиан ҳукмронлиги

даврида христиан динини қабул қилган мингларча кишилар дорга осилган. Шундай бўлса ҳам христиан дини тарқалишда давом этган ва милодий 312 йилда давлат тепасига келган император Константин 313 йилда христианларга Римда ўз динини эркин эътиқод қилишларига ва ўз ибодатхоналарини қуришга рухсат бериш тўғрисида фармон чиқарган. Шу пайтдан бошлаб Рим дунё христианларининг бош шаҳрига айланган. Кейинчалик христиан епископларининг қарорига кўра, Рим шаҳрининг епископига «папа» (юнонча – «ота») унвонини кўшиб айтиш тўғрисида келишилган. Римнинг биринчи епископи апостол Петр бўлганди.

Рим империясининг «олтин асри» Антонинлар ҳукмронлиги даври (милодий 96-193 йиллар) ҳисобланади. Бу даврда Римда осойишталик ҳукм сурган, ҳарбий юришлар тўхтаган, сенат ва императорлар яқдил бўлишган. Қашшоқлик ва қулликда яшаганларнинг ҳаёти яхшиланган. Одиллик билан ҳукмронлик қилган император Траянни (милодий 98-117 йиллар) римликлар императорларнинг энг яхшиси деб ҳисоблаганлар. Унинг ҳукмронлиги даврида чақимчиларнинг ёлғон маълумотлари бўйича кишиларни қатл қилиш тўхтатилган, эҳтиётсизлик билан император номига айтилган гап учун жазолаш бекор қилинган. Римни 161-180 йилларда бошқарган файласуф-император Марк Аврелий даврида ҳам одамлар анча эркин яшашган, Римда кўп қурилишлар қилинган.

Антонинлар династиясининг ҳукмронлиги тугагандан кейин Римнинг юксалиши ҳам тугаган ва Римда нотинчлик бошланган. III асрга келиб, Римнинг шиноми-шаҳрида яшовчи герман қабилалари, римликларнинг номлашича, варварлар (ажнабийлар, тушунарсиз тилда сўзловчилар деган маънони беради) Римга тез-тез ҳужум қилиб, қишлоқ ва шаҳарларни талаганлар.

Римликлар уларга баъзи провинцияларни топширсалар ҳам, улар ўзларининг талончилик юришларини қанда қилмаганлар ва Рим жиддий хавф остида қолган. Бу вақтда империянинг энг тинч ва хавфсиз ҳудуди унинг шарқий қисми бўлган.

Шу сабабли ҳам, Босфор бўғози қирғоғида жойлашган, қадимги Грециянинг мустамлақаси бўлган Византияга 330 йили империя пойтахти кўчирилган ва шаҳар пойтахтни кўчирган император шарафига Константинополь деб номланган. Шаҳардаги эски уйлар бузилиб, уларнинг ўрнига янги уй-жойлар, саройлар, ибодатхоналар, театрлар қурилган. Янги пойтахтни безаш учун император Константин Рим, Афина ва империянинг бошқа шаҳарларидан чиройли ҳайкалларни, устунларни бузиб кўчириш тўғрисида кўрсатмалар берган.

Марказий Осиё даштларида яшаган туркий хунн қабилаларининг 375 йилдаги ғарбга томон юриши ва шу юришда германларнинг готлар қабиласи тор-мор қилинганидан кейин Шарқий ва Марказий Европа халқларининг ғарбга томон буюк кўчиши содир бўлган. Хуннларнинг кейинги юришларидан сақланиш учун, готлар қабиласининг омон қолганлари Византиядан – Шарқий Рим империясидан Болқон яриморолига бориб яшаш тўғрисида рухсат сўраганлар ва ўн минглаб готлар ўз оилалари билан империя чегарасидан ўтганлар. Улар Дунай дарёсининг ўнг қирғоғига жойлашганлар ва озиқ-овқат билан таъминланиш эвазига Дунай чегараси дахлсизлигини сақлаш тўғрисида Византия билан шартлашилган...

А. РАИМОВ,

Н. РАИМОВА,

*«Энг қадимги ҳикматлар»
китобидан олинди.*